



ЛОЙИХАЛАРНИ ҲАР БИР ТУМАН ВА МАҲАЛЛА КЕСИМИДА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 февраль куни инвестиция соҳасига доир аввалги топшириқлар ижроси ва янги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Жорий йил 11 январь куни тижорат банклари томонидан жами қиймати 1 миллиард доллар бўлган инвестиция лойиҳалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан жами қиймати 8,6 триллион сўм бўлган 9 та йирик сановат лойиҳаси тақдимот қилинган эди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ, мазкур лойиҳаларни сифатли амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар, муддатлар ва масъуллар белгиланган "Йўл харита" лари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан қўшимча равишда янги инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Тақдимотда ушбу янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, 10 та йирик тижорат банки томонидан жами қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган 136 та янги лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилди.

Жумладан, "Агробанк" томонидан тўқимачилик кластерлари билан биргаликда қўшимча 43 та лойиҳа шакллантирилган. Жами 501 миллион долларлик ушбу лойиҳалар натижасида пахта топасини қайта ишлаш даражаси анча ошди, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами кенгайди.

Миллий банк томонидан жорий йилда 225 миллион долларлик 6 та янги лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ҳамда Наманган вилоятларида поливинилхлорид ва алюминий ромлар ишлаб чиқариш, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида поезд вагонлари ҳамда юк машиналарига хизмат кўрсатувчи транспорт-логистика марказини ташкил қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

"Ўзсановатқурилишбанк" томонидан "Ургут" эркин иқтисодий зонасида 110 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бунда, йилга 600 минг тонна пўлат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати пайдо бўлади.

"Ипотека-банк" Куйи Чирчиқ туманида 27 гектардан зиёд майдонда замонавий логистика фаолиятини ташкил этиш лойиҳасига сармоя киритмоқчи. Бу корхона бир вақтда 120 та юк машинаси ва 25 та вагонга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади.

"Асака" банк кредити иштирокида пойтахтимизнинг "Эски шаҳар" ҳудудида Миллий савдо шаҳарчасини ташкил этиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар, аввало, иш ўринлари яратиш, экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши кераклигини таъкидлади.

Иқтисодий комплекс идоралари ишни маҳаллалар даражасида ташкил этиши, тижорат банклари жойларда юқори самарали лойиҳаларни амалга ошириб, айниқса, ёш тадбиркорларга кенг йўл бериши кераклиги қайд этилди.

Бунинг учун маҳаллаларда банкнинг янги бошқарув тизимини йўлга қўйиш, ҳар бир туман ва маҳалланинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда аҳолига ундан даромад топишни ўргатиш муҳимлиги таъкидланди.

Тақдимотда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида ташкил этилган сановат зонаси ҳудудида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳам таништирилди. Ушбу сановат ҳудуди 200 гектар бўлиб, унда қурилиш материаллари, озиқ-овқат, текстиль ва бошқа бир қатор муҳим соҳаларда жами қиймати 4,6 триллион сўмлик 71 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПойДЕВОРИ

МАТОНАТДАН БИНО БЎЛГАН ДАВЛАТИМСАН



Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шойири

Одамнинг бешиқдан бошлаб тўрт учмаси соғлом ўсиб, то улғайиб вояга етунига қадар — бутун жамият

Давр ва Замон. Давр шиддати. Замон шиддати. Халқ ва Миллат тақдир. Ватан равнақи. Эл-улус фаровонлиги. Одамларимизнинг — миллати, дини ва иркидан қатъи назар — элдош-замондошларимизнинг маънавий қиёфаси, азиз ўғил-қизларимизнинг келажак тақдир.

аҳли — ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳалла-қўй, барчанинг бурч ва масъулияти, жавобгарлиги хусусида Президентимизнинг гоҳ гурурбахш, гоҳ изтиробли, гоҳида фахру ифтихор билан айтган сўзлари, баъзида эса аламли-армонли фикр-мулоҳазаларю даъватлари олдида шу элнинг оддий бир ижодкори сифатида кўп нарсаларни юрак-юракдан ҳис этиб, англадим. Вақт шиддати, айём тошқинлиги қаршида, элнинг орияти, ор-номуси, миллатнинг пойдорлиги — миллат фарзандларининг бедор ва оғоҳлиги билан нақадар боғлиқлигини яна бир қарра вужуд-вужуддан ўтқар-

моқнинг ўзи кишига қанчалар уйғоқ кечаларни бахш этадики, оддийгина халқона тил билан ифодалганда, бу беҳаловатликнинг номи бурч ва қарздорлик туйғуси дейилади.

Президентимиз барчамиздан бедорлик ва дахлдорликни, онг ва тафаккур, қалб ва руҳ бедорлигини талаб этмоқда. Инсон умри жуда қисқа ва фанимат. Яратган томонидан берилган ана шу умрни эзгу ва улғувор ишларга, эл-юрт равнақи, фарзандлар камоли йўлида сарфламоқнинг завқу гашти, қувонч ва севинчлари ўзгача.

▶ Давами 2-бетда

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЁРУҒ ЮЗИ ВА ВИҶДОНИ КЎЗГУСИ

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИ: ҲАР БИР ОИЛА, ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДА

Улуғбек АСРОПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 26 январь куни жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказиб, барча даражадаги раҳбарларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, “ўсиш нуқталари”ни аниқлаб, уларни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш механизми ҳақида аниқ кўрсатмалар берди. Шунингдек, “маҳаллабай” ишлаш бўйича янги тизимни ташкил этиш ва камбағалликни қисқартриш юзасидан вазифалар белгиланди.

Бугун ана шу вазифаларни бажаришга, янги ташаббусларни ҳаётга кенг татбиқ этишга киришилди. Хусусан, “маҳаллабай” ишлаш тизимини, бу борада Фарғона вилоятида янги тажрибани яратиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ҳамда турли идоралар, иқтисодий тармоқ масъул ходимларидан иборат Республика ишчи гуруҳи шу кунларда вилоятдаги 1 минг 40 дан зиёд маҳаллага бирма-бир ташриф буюриб, реал ҳолатни, мавжуд муаммоларни



ўрганипти, уларни ҳал этиш чораларини кўряпти. Таъкидлаш жоизки, илк бор ҳаётга татбиқ этилаётган “маҳаллабай” тизими, бу борада Фарғона вилоятида янги тажрибани яратиш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ҳамда турли идоралар, иқтисодий тармоқ масъул ходимларидан иборат Республика ишчи гуруҳи шу кунларда вилоятдаги 1 минг 40 дан зиёд маҳаллага бирма-бир ташриф буюриб, реал ҳолатни, мавжуд муаммоларни

фойдаланишининг ҳадисини олган. Аксарият хонадонларга кирсангиз ажиб орасалиқдан, файзли манзарадан баҳри дилингиз очилади.

Лекин ҳаёт маромининг ўз қонун-қондалари бор. Кимгадир иш керак, кимдир тадбиркорлик қилиб, бугунги ислохотлар оғушида яхши яшашни хоҳлайди, хунар ўрганиш истагида юрган юртдошларимиз қанча...

▶ Давами 4-бетда

ИНТЕРВЬЮ

ХАЛҚИМИЗ БАНК ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЎЗ ҲАЁТИДА СЕЗАДИ

Бугун истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни тезкор ва сифатли татбиқ этишни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Бу жараёнда инвестицион лойиҳалар жозибадорлигини ошириш, банклар бошқарувида янги тизимни жорий этиш, маҳсулотлар тури ва сифатини ошириш, экспорт қўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев инвестиция соҳасига доир аввалги топшириқлар ижроси ва янги лойиҳалар тақдими билан танишиш чоғида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди ва тизимдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ориф БЎТАЕВ,

“Микрокредитбанк” АТБ бошқаруви раиси:

— Жорий йилнинг 11 январь куни банкимиз томонидан давлатимиз раҳбарига йирик лойиҳалар тақдими ўтказилган эди. Уша учрашувда 1 ой муддатда 150 миллион доллар қийматидаги инвестицион лойиҳалар тақдимоти ўтказиш бўйича топшириқлар берилганди. Бугун олдимизга қўйилган вазифа асосида тез самара берадиган, янги иш ўринларини яратишга қаратилган, умумий қиймати 125 миллион долларга тенг 58 лойиҳа тақдимотини ўтказдик. Мазкур лойиҳаларнинг асосий қисми қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ўз ичига олади.

Президентимиз тақдимотимиз чоғида Фарғона вилоятига доир қатор топшириқлар ҳам берди. “Микрокредитбанк” вилоятнинг Учкўприк, Фурқат туманларига бириктирилган ҳолда, олдимизга ана шу ҳудудларни ривожлантириш бўйича драйвер йўналишларини аниқлаш, уларни амалга оширишда бошқарув компанияларини тузиш вазифалари қўйилди.

Каммуна ИРИСБЕКОВА,

“Алоқабанк” АТБ бошқаруви раиси:

— Биз IT маҳсулотларини бизнес жараёндарига жорий этиш, жисмоний шахслар билан савдо тармоқлари, ишлаб чиқарувчилар ўртасида электрон савдо платформаларини ишга тушириш каби лойиҳаларни тақдимот қилдик. Бугун жаҳон тажрибасида ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчи ва тадбиркорлар ўртасида кооперацияни қучайтиришнинг энг қўлай йўли, бу — электрон платформа ҳисобланади. Лойиҳаларимизда барча онлайн хизматлардан тортиб, етказиб беришгача бўлган жараённи қамраб олиш режалаштирилган.

Бугунги кунда меҳнат бозорига ўзини-ўзи банд қилган аҳоли, деган катта сегмент пайдо бўлди. Унинг ўзига яраша хизматлари, маҳсулотлари бор. Шу боис, улар учун ҳам алоҳида электрон платформа яратиш кўзда тутилган. Ўзини-ўзи банд қилган фуқаро шу платформа орқали маҳсулотни, хизматларини харидорларга таклиф этади.

Айни пайтда истеъмолчи талабларини ўрганишимиз. Мўлжалдаги барча дастурлар қисқа фурсатларда ишлаб чиқилиб, шу йилнинг июль ойида ишга туширилиши режалаштирилган.

Шухрат ОТАБОВЕВ,

“Ипотека-банк” АТБ бошқаруви раиси:

— Президентимиз банкларнинг “маҳаллабай” ишлаш тизимини ташкил қилиш борасида аниқ кўрсатмалар берди. Дарҳақиқат, ислохотлардан келиб чиқиб, банклар ўз фаолиятига янги тизимни жорий этиши талаб этилмоқда. Шу мақсадда, биз маҳаллаларда янги йўналишларни белгилаб олиб, ишчимизни давом эттирамиз.

Эндиликда давлатимиз раҳбари топшириғига асосан маҳаллаларга кириб борамиз. Аҳоли билан мулоқот қилиб, маҳаллаларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқамиз. Шу дастур асосида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириб, аҳоли бандлигини таъминлашга, халқимиз турмуши яхшиланишига ҳисса қўшамиз.

Рустам МАМАТҚУЛОВ,

“Агробанк” АТБ бошқаруви раиси:

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳаллани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича таклифларини билдирди. Шу асосда 43 та лойиҳани амалга ошириш учун аниқ режа тузиб олдик. Уларнинг умумий қиймати 501 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу лойиҳаларни амалга ошириш билан 17 мингга яқин иш ўрни яратилади. Ҳозирда 14 та чет эл банки билан 380 миллион долларлик келишувимиз бор. Маблағларимиз, имко-

ниятларимиз етарли. Биз пахта тўқимачилик кластерларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларини ўз вақтида амалга оширамиз. Бундан ташқари, Фарғона вилоятида Олтиариқ ва Қўштепа туманлари бизнинг банкка бириктирилган. Бу туманларда маҳаллаларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқамиз. Ҳар бир хонадонда камда битта даромадга эга бўлган фуқаро бўлиши таъминлашга эришишимиз керак.

Нодирбек САЙДУЛЛАЕВ,

“Асака” АТБ бошқаруви раиси:

— Бугун пойтахтимизнинг “Эски шаҳар” ҳудудидаги Миллий савдо шаҳарчасини ташкил этиш кўзда тутилган лойиҳа тақдимотини ўтказдик. Лойиҳанинг умумий қиймати 58 миллион долларни ташкил этади.

Бундай лойиҳалар Озарбайжон ва Туркия давлатларида амалга оширилган. Боку шаҳридаги лойиҳани ўрганиш жараёнида бир йилда бу шаҳарчага ўртача 600 минг сайёх ташриф буюрганини кузатдик. Лойиҳани 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга оширишни режа қилганмиз.

Яна бир лойиҳани Сирдарё вилоятида тери маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган.

Тошкент вилоятидаги Бурчмулла ҳудудида дам олиш масканини ташкил қилиш лойиҳамиз ҳам бор. Бу лойиҳанинг дастлабки босқичини сентябрь ойида якунлаш тўғрисида ахборот бердик.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ЕХХТНИНГ КАМСОНЛИ МИЛЛАТЛАР БЎЙИЧА ОЛИЙ КОМИССАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН СИЁСАТНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ўзбекистоннинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидagi (ЕХХТ) доимий вакили, элчи Абат Файзуллаев ЕХХТнинг камсонли миллатлар бўйича Олий комиссари (КМОК) Қайрат Абдраҳмонов билан видеоконференция шаклида мулоқот ўтказди.

Онлайн-тадбирда томонлар Ўзбекистон ва КМОК идораси ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболли йўналишларини муҳокама қилди.

ЕХХТ Олий комиссари Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, турли миллат ва эллар вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни

юқори баҳолади.

Учрашувда сўнги йилларда ЕХХТнинг кам сонли миллатлар бўйича Олий комиссари идораси ва Ўзбекистон ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани, миллий ҳамда минтақавий даражада қатор тадбирлар муваффақиятли ташкил этилгани таъкидланди. Мазкур анжуманлар дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолади.

таъминлаш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш масалаларига бағишланди.

Ўзаро ҳамкорликка янги туртки бериш мақсадида Қайрат Абдраҳмонов пандемия билан боғлиқ вазият барқарорлашгандан сўнг жорий йил Марказий Осиё минтақасига сафари доирасида Ўзбекистонга ташриф буюришга тайёрглигини маълум қилди.

Томонлар КМОК идораси ваколатлари доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга содиқлигини тасдиқлади.

Вена

“Дунё” АА,

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

ҲАР ҚАНДАЙ МИЛЛАТ ҲАВАС ҚИЛАДИГАН МУЛК



Зоҳидулло МУНАББАРОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори

Этироф этиш керакки, пойтахтимизнинг Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудида бунёд этилаётган Ислам цивилизацияси маркази эллик, юз йилда бир марта яратиладиган иншоотлар қаторига қиради. Президентимиз гоёсига қўра, бу ер аждодларимиз томонидан ислом цивилизациясига қўшилган беназир ҳиссанинг барча қирралари, жумладан, муқаддас динимиз равнақи, илму фан тараққиёти, маънавий камолот йўлидаги саъй-ҳаракатларини ўзида муҷассам этган ахлият бир мажмуа бўлмоғи лозим.

Унга ташриф буюрган ҳар бир фуқаро қандай буюк юртда туғилгани, қандай улуг инсонлар вориси экани, зиммасидати бурчининг шарафно салвори нечоғлик катта эканини чуқур ҳис қилиши керак. Токи бу ерда бир келган кишида, албатта, уни қайта зиёрат қилиш истаги уйғонсин. Агар у чет эллик бўлса, ушбу муассаса мисолида Ўзбекистоннинг ўтмиши бугун ҳақида ахлият тасаввур ҳосил қилсин, яна келиш иштиёқи туғилсин. Зеро, хорижий сайёҳнинг вақти тийғиз. Бир сафарда барча гўшаларни бориб кўриши анчагина мушкул. Шу маънода марказ юртимизнинг том маънодаги юзи, Учинчи Ренессанс, яъни кенг қамровли миллий юксалиш пойдеворидаги ҳақиқий ўзақ, унинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиши керак.

Ушбу муассасадан кўзланган мақсадларни тўлақонли амалга оширишда зиёлиларнинг роли ниҳоятда муҳим. Ташриф чоғида билдирилган фикр ва мулоҳазаларда ўз ифодасини топганидек, бино қуриш осон, аммо унинг мазмун-моҳиятини шакллантириш бағоят мураккаб иш. Зеро, ундан қутилаётган натижа — муқаддас динимизнинг инсонларварлик, эзгулик ва халқчилликка йўғрилган моҳиятини кенг омма, айниқса, ёшларга илмий асослаш, ислом тафаккури шароитида диёғримизда эришилган ютуқлар моҳиятини асл манбаларга суянган ҳолда очиб бериш, бунда миллий ғуруримиз сарчашмаларидан бири бўлган аллома бобоқалонларимиз меросига суяниш ва шу аснода Янги Ўзбекистондаги навбатдаги миллий юксалиш руҳияти ва муҳитини шакллантириши лозим.

Қайд этиш жоизки, Марказ қурилиши билан деярли бир вақтда унинг илмий-маданӣ, маънавий-маърифий фаолияти мазмун-моҳиятини аниқлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Мазкур фаолиятга жалб этилган турли илмий йўналишлар вакиллари бўлган юздан ортиқ олимлар мамлакат раҳбари томонидан баён этилган концептуал ёндашувларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини излаш билан шуғулланилмоқда.

Бунёд этилаётган Ислам цивилизацияси маркази олдида турган вазифаларнинг ижроси уни юксак салоҳиятли кадрлар билан таъминлашни долзарб заруратга айлантиради. Президентимизнинг бу ҳақдаги мулоҳазалари ҳам алоҳида эътиборга

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига ташрифи давомида Президентимиз баён этган фикрлар кенг жамоатчилик томонидан катта ҳаяжон ва мамнуният билан қабул қилинди. Зеро, уларнинг замирида улкан маъно ва режалар ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбари “Ислам цивилизацияси маркази миллат мулкига айланади”, деган фикрни айтди. Бундай таъкиднинг негизиде ушбу муассаса кўп минг йиллик бой тарихимиз, маданиятимиз, дунё илму фани ривожига беназир ҳисса қўшган буюк алломаларимиз, энг муҳими, меҳнатсевар, бунёдкор ва бағрикенг халқимизнинг сийрати ва сурати, яъни ички дунёси ва ташқи қиёфасини жамулжам этган кўзгү бўлиб қолиши ҳақидаги эзгу ният ва сиёсий ирода ётади. Дарҳақиқат, бундай бебаҳо мулкка ҳар қандай юрт, ҳар қандай халқ ҳавас қилса арзийди.

молик. Чунки марказ фаолиятининг асосий йўналиши кенг омма билан бевосита мулоқотдир. Ана шу фаолиятнинг амалий механизми бўлган гидлар, яъни марказ, жумладан, унинг таркибидеги ислом санъати музейига ташриф буюрувчиларга ҳамроҳлик қилувчи профессионал ходимларнинг малакасига кўп нарса боғлиқ. Таъкидланганидек, уларнинг турли илмий йўналишларга ихтисослашган билимдон мутахассислардан иборат бўлиши марказ муваффақиятининг кафолатларидан биридир. Ушбу муассаса учун кадрлар тайёрлаш билан шуғулланаётган олийгоҳлардан бири — Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ишлаётган педагог сифатида айтишим мумкинки, ёшларимизнинг бу даргоҳга интилиши, унда ишлаш иштиёқи баланд. Уларнинг орасида икки ва ундан ортиқ хорижий тилларни мукамал биладиган, халқимизга хос гўзал фазилатларини ўзига синдириган зиёли ўғил-қизларимизнинг бисёрлиги Президентимизнинг оруз-умидлари, албатта, ушалишдан дарак беради.

Ташриф чоғида марказ фаолияти, энг аввало, илмий ҳолисликка асосланган бўлиши лозимлиги, бунга эришиш учун нафақат маҳаллий олимлар, балки чет эллик тадқиқотчиларни ҳам бу ишга жалб қилиш зарурлиги бот-бот таъкидланди. Дарҳақиқат, бизнинг ифтихоримиз манбаи бўлган бой илмий-маданӣ ва диний-маънавий меросни ўрганиш билан халқаро илмий ҳамжамия-

кин ана шу қирраларнинг барчасини ўзида қамраб олган, ҳар қандай юртсевар инсон, айниқса, ёшларнинг онгу шуғурига муҳрланиб қоладиган ибратли илмий-маънавий тузилма мамлакатимизда ҳали йўқ эди. Ислам цивилизацияси маркази юртимиз ва халқимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни мумтоз илмий услублар, замонавий технологиялар орқали жонлантириб берадиган, Президент таъбири билан айтганда, Бухорийлар, Термизийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Фарғонийлар, Темирийлар ва бошқа буюк аждодларимиз билан бевосита мулоқот қилинадиган кўп қиррали илмий-дунёвий муассасага айланishi лозим. Ана шунда, у том маънодаги руҳий куч ва руҳий ишонч манбаига айланади.

Ташрифдан чиқадиган яна бир мантиқий хулоса шуки, халқаро жамоатчилик биз ҳақимиздаги маълумотларни бошқалардан эмас, ўзимиздан эшитгани афзалроқ. Шўрки, юртимизда яратилаётган беназир муҳит ва қулай шароит олимлар, айниқса, янги Ўзбекистонда тарбияланаётган умидли ёшларга ушбу орзуни амалга ошириш имконини бермоқда.

Президентнинг дунё олимлари билан ҳамкорликни кучайтириш, юртимизнинг ибратли ўтмиши, бунёдкорликка йўғрилган бугун ва умидбахш келажак ҳақидаги режалар билан халқаро ҳамжамиятнинг таништириши жадаллаштиришга қаратилган даъвати уларнинг фаоли-



ХАЛҚИМИЗ ДИНИЙ АҚИДАСИНING АЗАЛИЙ ПОЙДЕВОРИ — МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ БУГУНГИ КУНДА ЯНАДА ОШГАН. ШУ МАЪНОДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ҲАМЖАМИЯТНИНГ МАЗКУР МАСАЛАДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИНИ АХЛИТЛАШТИРИШ, БИЛИБ-БИЛМАЙ ХАТО ЙЎЛЛАРГА КИРИБ ҚОЛАЁТГАН АЙРИМ ЁШЛАРНИ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИГА ҚАЙТАРИШДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЯХШИ САМАРА БЕРАДИ.

ят ҳам шуғулланади. Айрим масалаларда хорижий тадқиқотчиларнинг биздан аниқ илгарилаб кетганини ҳам тан олиш адолатдан бўлади. Масалан, Президент ташаббуси билан охириги йилларда мамлакатимизда кенг қулоч ёзаётган мотуридийшunosлик йўналишида чет эллик, айниқса, туркиялик, мисрлик ва олмониялик олимлар эришган ютуқлар ниҳоятда ибратли.

Халқимиз диний ақидасининг азалӣ пойдевори — мотуридия таълимотиинг амалий аҳамияти бугунги кунда янада ошган. Шу маънода халқаро илмий ҳамжамиятнинг мазкур масаладаги саъй-ҳаракатларини ахлитлаштириш, билиб-билмай хато йўлларга кириб қолаётган айрим ёшларни бунёдкорлик йўлига қайтаришда ундан фойдаланиш яхши самара беради.

Ташриф чоғида таъкидланганидек, бой тарихимиз, унинг серқирра моҳияти ҳақида кўп гапирамиз. Ле-

ятига кучли туртки бериши шубҳасиз. Диний улаомларнинг маҳаллий илоҳиётшunosлик аънаванларини тиклаш ва халқаро миқёсда оммалаштиришга қаратилган ишларни кучайтириши лозимлиги ҳақидаги фикрлари ҳам ниҳоятда муҳим. Чунки барчамиз фахрланадиган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс жараёнидаги илмий-маданӣ ва бошқа соҳалардаги оламшумул ютуқларга эришилшида минтақамизга хос, ташқи таъсирлардан холи, мустақил илоҳиётшunosлик мактабининг ўрни улкан бўлган. Мазмун-моҳиятини мўътадиллик, инсонларварлик ва халқчиллик ташкил этган мазкур мактаб саъй-ҳаракатлари билан яратилган том маънодаги бағрикенглик муҳити бундай ютуқларнинг тўлақонли тарзда рўёбга чиқишига хизмат қилган. Бундан чиқадиган яна бир мантиқий хулоса шуки, ўзимиз учун намуна излаб йироқларга боришга эҳтиёж йўқ. Бунинг учун лозим барча манбалар тарихимиз, маданиятимиз, кадриятларимиз, жумладан, ҳанафий-мотуридийликка асосланган диний ақидамизда муҷассам. Ташриф чоғида таъкидланганидек, ушбу меросни синчиқлаб ўрганиш, ундан илмий асосланган сабоқлар чиқариш лозим.

Шўрнда, бундан бир йилдан зиёдроқ вақт аввал, 2019 йилнинг 20 ноябрь кунини Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюрган чоғда, давлатимиз раҳбари ўзи асос солган ушбу муассаса ҳақида айтган сўзларини яна бир қарра эсга олмақ жоиз: “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қачерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга еткази билишимиз к-



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

МАТОНАТДАН БИНО БЎЛГАН ДАВЛАТИМСАН

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг Бухоро сафари давомида янги уйга кўчиб ўтган оддий хонадонга кириб, хонадон соҳиблари билан дилдан суҳбат қурган чоғида ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмади. Яхшилик қилиш керак. Одамдан эзгу ишлар, яхши ном ва яхши фарзандлар қолиши керак, деган мазмундаги сўзлари кўпчилик элдошларимиз, оддий одамларнинг қалбиде нечоғли олижаноб туйғуларни жунбушга келтиргани баробарида, бугунги ҳаётимизнинг, айниқса, жамиятда кеңаётган ўзгаришларнинг теран инсоний ва ахлоқий томирлари борлигини ҳам англадики, бу туйғуларни ўғил-қизларимиз қалбига синдириб тарбияламоқ бизнинг бурчимиз эканини бир зум бўлса-да, унутмаслигимиз шарт ва зарур.

Давлатимиз раҳбарининг маъруза ва суҳбатларида шижоат ҳамда матонат

рак. Бу марказга келган одам тарихимиз ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиши, катта маънавият олиб кетиши зарур”.

Ва, мана, Президентнинг ушбу марказга навбатдаги, янги ташрифи чоғидаги ҳайратлар ва ҳаяжонлар. Ҳали тўлиқ қуриб битказилмаган муҳташам ва маҳобатли обиде. Олам аҳлини, уммонлар ортини ёритган буюк ақл машъаллари — Берунийлари, Ибн Синолари, Навоийлари, Бухорий ва Термизийлари тимсоли бўлмиш қадим миллатнинг оламшумул тамаддунини олам аҳлига намоён этувчи марказнинг замон раҳнамоси, миллат йўлбошчисининг шижоат ва матонатига хос ҳамда муносиб Маърифат кўргони.

Христофор Колумб аслида Ҳиндистонни излаб елканларини кўтариб сафар бонгини чалганда, бизнинг Беруний бобомиз “Ҳиндистон” ва “Сайдана” асарларини битган, ер ва осмон илми ҳақидаги маҳсулати сиру синоатлар мушкулоти баён

алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бунёд этилаётган бинонинг маҳобат ва улғуворлиги ҳақиқатан ҳам миллат тамаддунининг, халқимиз илму маърифатининг қадимийлиги ва жаҳоний кўлами билан кишини беихтиёр улғу боболаримизнинг оламшумул даврасига, кўҳна ва ҳайратомуз маърифат мозийсига етаклайди. Киши қалбини ғурур-ифтихор туйғулари билан лиммо-лим этади. Ер юзини ўз илму маърифати билан аллақачон забт этиб бўлган улғу боболаримизнинг ному ёди, соғинч ва армонлари қуршовида беихтиёр кўзларингизга ёш қалқийди, севинасиз. Шундай улғу зотлар, буюк алломаларга дилбанду даврдош, элдошу замондош эканингиз билан юрагингизнинг туб-тубидаги минг-минг йиллик орият, ғурур ва ифтихор юзларингиз, қиёфа, сурат ва сийратингизда порлаб-чарақлаб юзага чиқаётганидан лолу ҳайратда қоласиз.

Ва мана, эрта тонгда, Ўзбекистонимиз матбуотида, ижтимоий тармоқларда, жаҳон аҳборот агентлиқларида маърифат кўшиқдек чарақлаб, порлаб бир хушхабар кўнгишларни мунаввар этади: Эски шаҳарда янги тарих барпо этилмоқда. Маърифатли халқимиз Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида бундан икки ярим йил аввал қурилиши бошланган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази битишини сабрсизлик ва ҳаяжон билан кутмоқда.

Президентнинг сўзлари — давр ва замоннинг сўзлари, элу юрт тақдирини ўз тақдирим, деб билган, умрининг бор меҳнату заҳматини халқу Ватан, миллатнинг маънавий фазлу камоли йўлида сарф этаётган шижоатли, матонатли давлат раҳбарининг уйғоқ ва бедор тафаккури. Замона кўргонлари оддий истақ-хоҳиш билан эмас, халқнинг розилиги йўлида, улғувор ниятлар билан, авваломбор, онг ва тафаккурда бунёд бўлади, қалб қони қоришган ақлу заковат маҳсулати бўлиб, бунёд этилади, дунёга келади.

Шў ўринда беихтиёр Алишер Навоий бобомизнинг “Эл нейтиб топмай менким, мен ўзимни топмамон”, деган сатрлари ёдга тушади.

Президентимизнинг “Миллий ўзликни англаш, деб кўп гапирамиз. Лекин шунга муносиб бўлялмишимиз, деган туйғу мени қийнайди. Ота-боболаримиз қийин шароитларда, меҳнат-машаққат билан қандай буюк ишларни амалга оширган. Жадид боболаримизни ҳам бекорга қатгори қилишмаган. Чунки билишардики, илм, ғурур, давлатчилик бизнинг қонимизда бор. Бу ерда ҳамма буюк алломаларимизнинг овози эшитилиб туради”, деган сўзлари Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўраётган кунлар арафасида айтилгани билан ҳам қадрлидир.

Ўзбекистонимизнинг маърифий кўргонлари мустаҳкам бўлиши учун бизнинг билим ва маърифатимиз, фарзандларимизга бераётган таълим-тарбиямиз эмрилимас бўлмоғи керак. Шў пайтга қадар бутун дунё бизнинг боболаримизнинг илми билан мақтанди-ю, номларини айтмади. Ўзимиз бўлсак, улғу аждодларимизнинг ному насаблари билан фахрлансак-да, уларнинг илмлари маърифатларидан беҳабар қолдик. Ўз илму маърифатимизни англамоқ замони етди, азиз элдошлар!

**Инсонийлик деган қадим зиротлар,
Орият ҳам ориятга роиятлар,
Шунда унган, айтсин кўҳна бизнинг,
Етмиш пуштим тиклаб кетган иморатлар,
Тарбиятнинг биносини кўргон ерим.
Боболардан мерос меҳру шавқатимсан,
Қатлам-қатлам илму ҳадис, ҳикматимсан,
Матонатдан бино бўлган давлатимсан,
Ғуруримсан, орим, шаъни шавқатимсан,
Дунё юзин шараф-шонга бургон ерим.**



сўзлари ҳамма алоҳида жўшқинлик, ғурур-ифтихор билан тилга олинади. Беихтиёр Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг, “Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга таптиндим”, деган тарихий тузуқлари ёдга келади.

Яна бир буюк бобоқалонимиз Мир Алишер Навоий салтанат соҳибларининг азму шижоати ҳақида сўз юритар экан, “Замона қасрини замон раҳнамоси бунёд этаркан, қиёматга қадар шу улғу бунёдкорнинг номини ўша бинога нақш қилиб битиб қолдиргай”, деган юксак эътирофни изхор этиб, улғу бунёдкорлар шаънини шарафлаб бундоқ сатрларни айтадилар:

**Ҳар лаҳза қил анга юз иноят, ё Раб,
Олғага ёрут шамъи ҳидоят, ё Раб,
Ҳам умрини айла бениҳоят, ё Раб,
Ҳам давлатига етурма гоят, ё Раб.**

Қадим шоирлардан бири “Янги олам, янги одам қайтадин тузмоқ керак”, дер экан, бани башар авлодининг маънавий таназзулига нозиқина ишора қилган ҳолда одам бопаларининг таълим-тарбияси, маърифий камолоти йўлидаги оғир машаққатини назарда тутгани беҳиж эмас.

Шў ўринда, бундан бир йилдан зиёдроқ вақт аввал, 2019 йилнинг 20 ноябрь кунини Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказига ташриф буюрган чоғда, давлатимиз раҳбари ўзи асос солган ушбу муассаса ҳақида айтган сўзларини яна бир қарра эсга олмақ жоиз:

“Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қачерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга еткази билишимиз к-

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЯНГИ АВЛОД ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ

ЭЛИМИЗ ҚАЛБИДАЙ МУСАФФО, ОФТОБИ МИСОЛ ЭНЕРГИЯ ҲАДЯ ЭТАДИ

Электр энергиясини анъанавий усуллардан бўлган эрдимида ишлаб чиқариш аллақачон урфдан қолмоқда. Барча соҳалар қатори ушбу тармоқда ҳам энг замонавий технология, инновацияларни қўллаш давр талабига айланган. Бу, ўз навбатида, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, инсон саломатлиги учун хавфсиз бўлган экологик тоза электр энергиясини ҳосил қилиш имконини яратди. Табиий ресурсларга бой бўлган мамлакатимизда кейинги йилларда энергетика соҳасини ислоҳ қилишда янги ечим ва технологияларга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Аини пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб 90 фоизи кўмир, табиий газ ва бошқа нефть маҳсулотларини ёқиш эвазига олинади. Бу орқича йўқотишлар талаб этши билан бирга, атроф-муҳитга зарар етказмасдан қолмайди.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Тўғри, инсоният тараққиётида кишиларнинг энергетикага бўлган эҳтиёжи уларни табиий манбалар — утин, кўмир, торф ва бошқа ёқилғилардан фойдаланишга мажбур қилди. Бу усул ҳозир ҳам энергетика олишнинг энг тезкор, аниқ ва вақт сарфини унган ечим саналади. Ҳатто ана шу табиий бойлиқларнинг қанчалик кўплиги давлатларнинг энергетика соҳаси ривожини белгилайди. Унган асрнинг 2-ярмидан бошлаб дунёда электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг ортиши ҳамда бу соҳада илм-фаннинг тараққий этиши унинг муқобил усулларини ривожлантиришга ҳам йўл очди. Бунда сув, шамол, қуёш каби қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига экологик тоза электр энергияси олиш кўзда тутилди.

Охириги 3-4 йилда қўлгошимизга тез-тез чалинаётган "яшил энергия", "муқобил энергия" тушунчаларининг ҳар иккиси қайта тикланувчи энергия сўзига ишора қилади. Маълумотларга кўра, "яшил энергия"нинг асосини Ер юзидида ҳаёт манбаи бўлган Қуёш ташкил қилади. Шамол, сувнинг табиатида эркин айланиши ва бошқа иқлим шароити билан боғлиқ жараёнларнинг барчаси галактикамиз марказий сайёраси — Қуёшнинг фаоллиги ҳисобига амалга ошади. У қайта ишлангани туфайли "қайта тикланувчи", экологияга деярли зарари бўлмагани учун эса "яшил энергия", деб таърифланади.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар электр энергия ишлаб чиқарилишида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ҳозирги 10 фоиздан 25 фоизга етказишни мақсад қилган. Бу Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ҳам ўз ифодасини топган. Бундай натижаларга эришиш учун Энергетика вазирлиги томонидан қайта тикланувчи энергетикада йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаол ҳаракатлар бошланган. Янги энергия манбаларини топиш, қайта тикланувчи қувватлар самарадорлигини ошириш ҳамда уларни энергия тизимига қўллаш кўламини кенгайтириш мақсадида Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмағида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ЙИЛИГА 12 МИЛЛИАРД КИЛОВАТТ СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Ҳозирда Ўзбекистоннинг иссиқлик электр станциялари республикада ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб 86 фоизини ташкил қилади. Аини вақтда юртимизда 14 минг мегаватт қувватга эга электр станциялари мавжуд. Аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ўсиши натижасида бу талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етиши кутилмоқда.

Экологик тоза энергия ишлаб чиқаришни 2500 мВтга ошириш бўйича Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Саудия Арабистонининг нуфузли "ACWA Power" компанияси ўртасида 2020 йилнинг март ойида имзоланган ҳамкорлик келишуви ана шу савб-ҳаракатларнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Лойиҳа уч асосий босқичдан иборат бўлиб, умумий инвестициявий қиймати 2,5 миллиард АҚШ доллари ташкил этади. Глобал миқёсда энергия ишлаб чиқариш ва сувни шўрсузлантириш корхоналари соҳибни, жами қуввати 38,7 гВтга тенг электр энергияси ҳосил қилиш ҳамда дунёнинг 12 мамлакатидидаги 58 та объектга етказиб бериш орқали ном қозонган "ACWA Power" компанияси мамлакатимиз учун хавфсиз ва самарадор "яшил" энергетика ечимларини тақдир этмоқда.

Сирдарё вилоятида қурилиши бошланган қуввати 1500 мВтга тенг иссиқлик электр станцияси бу борадаги лойиҳаларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ доллари бўлган мазкур станциянинг фойдали иш коэффициентини қарийб 60 фоизни ташкил этади. Бу ҳозирда фаолият кўрсатаётган бошқа турдош станциялар билан таққослаганда, ишлаб чиқариш учун истеъмол қилинаётган табиий газ миқдорини деярли икки баробар иқтисод қилиш имконини беради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, комбинацияланган цикли станция Япониянинг энг сўнгги газ турбинаси технологияси асосида қурилади. У иш туркумидаги 2 та газ ва битта буғ турбинаси, 2 та утилизатор буғ генераторига эга бўлиб, дунёдаги энг самарали электр станциялардан бири бўлиши кутилмоқда.

Станция конструкцияси, унинг иш фаолиятини реал вақт режимда кузатиш имконини берувчи тизим жаҳондаги нуфузли соҳа мутахассислари томонидан мукамал даражада тайёрланган. Бундан ташқари, энг замонавий ечимлар эксплуатация қилиш ва назорат воситаларидан фойдаланиши ҳам кўзда тулади.

Станция йилига 12 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда электр энергияси истеъмоли йилига ўртача 68-70 миллиард киловатт соатни ташкил этса, Сирдарёдаги ИЭС ишга тушган, қурилма истеъмолчилар электр энергиясига бўлган эҳтиёжининг 15 фоизини қондиришга ҳисса қўшади.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Сирдарё ИЭС қурилишининг расмий очилиши маросимида юртимиз мутасадди идоралари раҳбар-мутахассислари, Саудия Арабистони ва "ACWA Power" компанияси вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар тантанали тадбирда нутқ сўзлади, янги электр станциясининг имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

— Ўзбекистонда энергетика тармоғини ислоҳ қилишга қаратилган кенг кўламли режанинг бир қисмини амалга оширишда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз, — деди "ACWA Power" компанияси бошқаруви раиси Мухаммад Абунайян. — Бу йўлда ҳар икки мамлакат вакиллари бир жамоа бўлиб меҳнат қиляпмиз. "ACWA Power" компаниясининг арзон нархларда электр энергияси етказиб бериш борасидаги тажри-

басига билдирилган ишонч учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига миннатдорлик билдираман. Биз амалга ошираётган ушбу йирик лойиҳа мамлакатдаги фаолиятимизни кенгайтириш имконини бermoқда.

Мазкур электр станциясининг қурилиши даврида миндан ортиқ фуқаролар бандлиги таъминланади. Маҳаллий аҳоли орасидан хизматчилар ишчи гуруҳлари таркибига олиниб, пудратчилар, логистика компаниялари ва муҳандислик бўйича маслаҳатчилар билан шартномалар тузилиши режалаштирилган. Муҳими, йирик инвестициявий лойиҳа Ўзбекистоннинг энергетика қувватини талаб даражасида оширишга катта имконият беради. Боиси, 2030 йилга бориб мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли 110 миллиард кВт. соатга етиши кутилмоқда.

БЕККЕРЕЛЬ ИХТИРОСИДАН ТО БУГУНГА ҚАДАР...

Ҳозирда Ўзбекистоннинг иссиқлик электр станциялари республикада ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг қарийб 86 фоизини ташкил қилади. Аини вақтда юртимизда 14 минг мегаватт қувватга эга электр станциялари мавжуд. Аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ўсиши натижасида бу талаб 2030 йилга бориб 20 минг мегаваттга етиши кутилмоқда. Ушбу станциялар йилига 17 миллиард куб метр табиий газ сарфлайди. Ваҳоланки, бундай катта миқдордаги газни қўшимча қиймат яратиш (синтетик ёқилғи, полипропилен олиш) жараёнларига йўналтириш мумкин. Шу боис, мутахассислар олдидаги асосий вазифа электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини оширишдангина иборат бўлмай, балки атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган "яшил энергия" ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришдан иборат бўлмоқда.

Мамлакатимизда бу борада 10 йилга мўлжалланган аниқ лойиҳалар бор. Шу вақт оралиғида умумий қуввати 5 минг мегаваттга тенг қуёш электр станциялари ҳамда умумий қуввати 3 минг мегаваттга тенг янги шартномадаги шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.

Энергетика вазирлиги 2020 йилнинг 1 февралда Шеробод туманида Осиё тараққиёт банки кўмағида фотозлектрик электр станцияси қад ростлаши бўйича дастлабки лойиҳа бошланганини маълум қилган эди. Лойиҳа ушбу банк ҳамкорлигида ишлаб чиқилган 1 гВт. қуёш энергияси ҳосил қилиш дастурининг бир қисми бўлиб, унга кўра, камиди 200 мВт. ўзгарувчан ток қувватига эга қуёш электр станцияси, шу жумладан, янги 220 кВт. кучланган подстанция ва "Сурхон — 500 кВт." подстанцияга уланиши учун жами узунлиги 52 километрлик электр узатиш тармоғи тортилди.

Мамлакатимиз қайта тикланадиган энергия манбалари лойиҳаларида қатнашиш бўйича яхши шартларни тақдир қилган йирик компаниялар билан бевосита музокараларни фаол давом эттирмоқда. Масалан, Франциянинг "Tota Egen" компанияси томонидан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида фотозлектрик станция тикланади. Жами қуввати 100 мВт.ли бу иншоотни барпо этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги битим ўтган йили кўзда имзоланган эди.

Манбаларда келтирилишича, қуёш батареялари, яъни ёруғлиқни электрга айлантириш таъсирини ўрганиш дастлаб француз физиги Александр Беккерель томонидан 1842 йилда кашф этилган. Кейинроқ америкалик ихтирочи Чарльз Фриттс нурни электрга айлантириш учун селен кимёвий элементидан фойдаланишни тақдир этди. Қуёш батареяларининг биринчи прототиби эса италиялик олим Жакомо Чамичян томонидан яратилди. Шундан сўнг "Bell Laboratories" томонидан электр тоқини ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастлабки қуёш батареяларини ихтиро қилиш учун орадан қарийб бир аср вақт ўтишига тўғри келди. Бу борада илк ютуқлар кейинги улкан муваффақиятларга йўл очди. Бугунги кунга келиб, дунёнинг қўллаб

давлатларида электр тоқи олишда қуёш батареялари, шамол электр станцияларидан кенг фойдаланилади.

Албатта, "яшил энергия"ни ишлаб чиқариш арзон жараён эмас. Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатиш учун катта маблағ талаб этилади. Бироқ бундай қурилмалардан ишлаб чиқариладиган энергия нархи йилдан-йилга пасайиб бориши натижасида, улар кейинчалик иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.

АНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР ТАРИХДА ҚОЛАДИ

Экологик тоза энергия олишда шамол электр станцияларининг ҳам аҳамияти катта. Айниқса, сўнгги йилларда бу энергия жаҳонда жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланади. Шамол дегувати, электр тоқи генератори, уларнинг ишини бошқарувчи автоматик қурилма ҳамда улар ўрнатиладиган иншоотлар-



дан иборат электр станциялар шамол оқимининг кинетик қувватини электр энергияга айлантириб беради. Ундан кўпинча шамол оқимининг ўртача йиллик тезлиги юқори бўлган ва марказлаштирилган электр таъминот тармоқларидан узоқда жойлашган ҳудудларда фойдаланилади. Бундай станциялар орқали 8 киловатдан 1,2 мегаваттга қадар бўлган қувватдаги электр энергияси ҳосил қилиш мумкин.

Юртимизда шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий компаниялар билан ҳамкорликда йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири Навоий вилоятининг Томди туманида Бирлашган Араб Амирликларининг "Masdar" компанияси иштирокида умумий қуввати 500 мегаваттга тенг шамол электр станцияси қуриш лойиҳасидир. Бу станцияни 2023 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

"Masdar" Абу-Дабидаги "Mubadala Investment Company" инвестициявий холдингининг шўба корхонаси ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан бири саналади. Унинг амалга оширилган инвестициявий лойиҳалари портфели қайта тикланувчи манбалардан электр энергия ишлаб чиқариш бўйича ўрнатилган 4 минг мВт. қувватини ўз ичига олади. Компания иштирокида, шунингдек, Зарафшон шаҳрида умумий қуввати 500 мВт. бўлган шамол электр станциясини қуриш режалаштирилган.

Бу йўналишда Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси билан ҳам ҳамкорлик алоқаларимиз кенгайиб бermoқда. Бу компания ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ўртасида тузилган келишув шартномасига асосан, аини пайтда бир қанча ҳудудларда юқори қувватли шамол электр станциялари барпо этишга киришилди. Хорижий компания билан амалга оширила-

ётган лойиҳалар доирасида Бухоро ва Навоий вилоятларида умумий қуввати 1000 мВт. бўлган иккита шамол электр станциясини қуриш ҳам кўзда тутилган. Ушбу электр станцияларини қуриш лойиҳасининг умумий қиймати қарийб 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш углеводород чикндиликларини 1,6 миллион тоннага қисқартириш имконини яратиши баробарида 2031 йилга бориб энергия қувватларининг 40 фоизини қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтказиш бўйича ҳукумат томонидан қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Жараённинг илк босқичида Энергетика вазирлиги, Давлат геология қўмитаси ҳамда "ACWA Power" компанияси мутахассислари томонидан мамлакатимизнинг бир қанча ҳудудларида шамол оқими даражаси ўрганиб чиқилди. Унган йилнинг август ойида бошланган ўрганиш ишлари 12 ой давомида олиб борилади. Тадбирлар давомида шамолнинг тезлиги, йўналиши ва давомийлиги, шунингдек, ҳудудлардаги об-ҳаво шароитларининг ўзгаришига оид маълумотларни ўлчаш учун 100 метр баландликдаги махсус ўлчов асбоблари ўрнатилди. Ушбу ишларга юқори малака ва тажрибага эга маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар жалб қилинган. Бундан ташқари, ҳудудларда топографик, геологик ва гидрологик тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмади.

Бу лойиҳаларни амалга оширишда Энергетика вазирлиги ва "ACWA Power" компанияси ўртасида тузилган водород энергиясини ривожлантириш бўйича шартнома ҳам муҳим ўрин тутди. Асосий мақсад Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда водород ва

қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги илмий изланишлар орқали "иссиқхона" гази ҳосил бўлишини камайтиришга қаратилган.

— Юртимизда экологик тоза энергия ишлаб чиқариши кўпайтириш муайян вақт давомида ишланмалар ва инвестициялар соҳасидаги кўплаб мақсадларга эришиш кўзда тулади, — деди энергетика вазир Алишер Султонов. — Режаларимизнинг самарали амалга оширилиши Ўзбекистонга катта миқдордаги инвестицияларни жалб қилиш ва мамлакатимиз энергетика мақомини ошириш имконини беради. Вазирлик "ACWA Power" компанияси ва Саудия Арабистони делегациясига бошланган ишлар учун чуқур миннатдорлик билдиради. Биз нуфузли ва бу соҳада катта тажрибага эга мазкур тузилма билан узоқ муддатли ҳамда самарали ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

Юқоридидаги лойиҳалар бўйича инвестиция келишувларининг имзоланиши, ҳақиқатан, энергетика тармоғини ислоҳ қилиш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу, айниқса, Ўзбекистоннинг паст даражали углеводород чикндилик ресурслардан фойдаланишга ўтишда дадил қадамлардан бирига айланиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда юртимиз энергетика соҳаси салмоғида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш муҳим вазифалардан бирига айланиб бoryпти. Юқоридида қайд этилган йирик инвестицион лойиҳалар "яшил энергия"дан фойдаланиш кўламини кенгайтириш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар сирасига кирди. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда яратилдиган муқобил энергия манбалари иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар ва аҳолини улуқсиз электр энергияси билан таъминлаб, атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чикндиликларни камайтириш имконини беради.

МАҲАЛЛА – ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЁРУҒ ЮЗИ ВА ВИҶДОНИ КЎЗГУСИ

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИ: ҲАР БИР ОИЛА, ҲАР БИР ФУҚАРО ЭЪТИБОРДА

Бошланиш 1-бетда

Хуллас, муаммо ҳар жойда, ҳар бир оилада учраб туради. Бу муаммоларни, аҳолини ўйлантираётган бошқа масалаларни, аввало, маҳаллада ҳал қилиш эса одамларда жамиятга, ислоҳотларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Шу мақсад йўлида Республика ишчи гуруҳи одамларнинг даромадини ошириш, имкониятлари, қизиқликлари урганиш, қайси йўналишлар бўйича иш олиб бориш кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Кейинчалик хулосалар умумлаштирилади, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ҳаёт тарзидан келиб чиқиб, ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва камбағалликни қисқартириш режалари ишлаб чиқилади.

Қува туманидаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғинида 45 минг 875 хонадон бор. Маълум бўлишича, уларда яшаётган 261 мингдан ортиқ аҳолининг 11 фоизини ишсизлар ташкил этади. Аксарият маҳаллаларда одамлар кўчатчилик, гулчилик, анорчилик билан шуғулланади. Мавжуд имконият ва имтиёзлар самарасида тадбиркорликни бошлаган аҳоли сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Маҳаллаларда шундай одамлар ҳам борки, улар тадбиркорлик қилишни, бирон хунар эгаллаб муқим иш топишни истади. Лекин қўлида хунари йўқ, бирон ишни бошлаш, деса ҳамон қаерга боришни, кимга мурожаат қилишни билмайди ёки шунчаки истихоло қилади. Бундай ҳолатда маҳалла ва мутасадди ташкилотлар вакилларининг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим.

Шу маънода, “Мустақиллик” маҳалласида касб-хунарга ўқитиш маркази иш бошлаш айти мурдао бўлди, дейишмоқда маҳалла ахли. Ҳозирда марказда пазандачилик, аёллар ва эркеклар сартарошлиги, тикувчилик йўналишида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”даги 63 нафар аҳоли касб-хунарга ўқитилляпти. Шу кунгача 40 нафар аёл ва йигит-қизга сертификат берилиб, иш билан таъминланди.

“Сойгузар” маҳалласида яшовчи Ғайратжон Султонов ёш бўлишига қарамадан, аллақачон уста тадбиркор сифатида ном қозонган. У гулчиликка ихтисослашган “Водий турфа гуллари” МЧЖни ташкил қилган.

— Турли гул кўчатларини Польша, Россия ва Қозғистонга экспорт қиламиз. Бунинг учун маҳалладошларимиз кўмагидан фойдаланамиз, — дейди ёш тадбиркор. — Холловчиларга гулларнинг куртагини бериб, кейинчалик етиштирилган кўчатларни ўзимиз сотиб оламиз. Аҳоли ҳам бундан яхши даромад оляпти. Утган бир ойнинг ўзида 140 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик. Бугунги кунда 60 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаганмиз. Режаларимиз улкан. Фаолиятимизни, экспорт географиясини янада кенгайтириб, иш ўринлари сонини ҳам яна 50 тага кўпайтирмоқчимиз.

Республика ишчи гуруҳ аъзолари



М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

ри билан мулоқот чоғида тадбиркор корхонасини кенгайтириб, гулчиликни янада ривожлантириш мақсадида 5 миллиард сўм кредит зарурлигини айтиди. Тадбиркорга маҳалласидаги кичик саноат зонасидан жой ажратилди ҳамда “Ипотека банк” томонидан кредит бериладиган бўлди. Демак, яқин ойларида ишсиз юрган маҳалла ёшлари янги даромад манбаига эга бўлади.

Риштон туманида ҳам “маҳаллабай” тизимида ўрганишлар давом этмоқда. “Воҳим” маҳалласида яшовчи Нилуфар Усмонова ўз уйида тикувчилик билан шуғулланади. У келажакда тикувчилик цехини очишни мақсад қилган. Ишчи гуруҳ вакиллари Нилуфарга кредит олишда ва тадбиркорлик сирларини ўрганиш учун махсус ўқув курсларида тахсил олишга ёрдам беришини билдирди. Бу фаолиятини кенгайтириш истадида юрган шижоатли қиз учун айти мурдао.

“Қалайнов” маҳалласидан Сайёвжон Мамаражабов кулпочилик хунарини ўрганган. Касаначилик асосида сопол буюмлар тайёрлайди. У ўзининг кулпочилик устахонасини очиш ниятида бўлиб, бунинг учун

маблаг итишмас эди. Савдо-саноат палатаси томонидан бу йигитга имтиёзли кредит бериладиган бўлди.

Марғилон шаҳри моҳир хунармандлари билан дунёга машхур. Бугунги кунда 238 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шаҳарда 54 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Бу ерда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” асосида аҳоли турмушини янада яхшилаш бўйича салмоқли ишлар бажарилмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ишчи гуруҳ вакиллари оилаларда бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганиди. Бевосита мулоқот чоғида қўллаб-қувватлаш келиб тушиди.

“Ёйилма” маҳалласида яшовчи Зойиржон Зайлобидинов хонадонда мебель цехини ташкил этган. Бу ерда 10 нафар маҳалла ёшлари тайёрлаётган йигирма турдан ортиқ маҳсулот ички бозорга етказиб берилмоқда.

Ишчи гуруҳ таркибидаги Марказий банк, Миллий банк масъуллари билан суҳбатда тадбиркор ишлаб чиқариш тармоғини кенгайтириш учун жўша ва имтиёзли кредит зарурлигини, шунда яна 50 иш ўрни яратиши мум-

кинлигини айтиди. Унинг бу муаммоси ҳал этиладиган бўлди.

— Давлатимиз раҳбари маҳалла тизимига жуда муҳим эътибор бераётгани бизга маъсуллик юклайди, — дейди “Ёйилма” маҳалласи раиси Розикая Аҳмедов. — Биз ҳудуддаги муаммоларни ҳал этиш чораларини кўришимиз керак. Шунда одамларимиз рози бўлади. Республика ишчи гуруҳи аъзолари одамларимиз дарду ташвишини эшитяпти. Муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўрмоқда. Маҳалладошларимиз бундай эътибордан хурсанд.

Тошлоқ туманида Мономарказ фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлмади. Лекин бу жой ёшлар билан ҳамшира гажум. Кимдир дурадгорлик, кимдир деҳқончилик сирларини ўрганиш билан банд, қизлар тикувчилик, ошпазлик, сартарошликка ўқияпти. Барчаси хунар ўрганиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш ниятида.

Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев ва ишчи гуруҳ аъзолари Мономарказ фаолияти билан танишиди. Туман мутасаддилари касб-хунар ўрганаётган ёшларни яқиндан қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратилиши режалаштирилганини маълум қилди.

Республика ишчи гуруҳи вилоятнинг барча туманларида фаолият олиб бормоқда. Аҳоли муаммоларини ўрганиш асосида турли маданий-маърифий тадбирлар, ёшлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Бунда асосий эътибор Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижага таъминлаши, бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳоли вазирилик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлишига қаратилляпти.

Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳоли фаровонлигини кўсалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлади.

маларни янги ташкил этиладиган кенгашлар ихтиёрига ўтказиб бериш тақлифи ҳам ушбу масалани бажаришнинг ихтимойий-иқтисодий механизмига асос бўлади.

Мазкур кенгаш хотин-қизларнинг жамиятдаги манфаатларини ва мактеини муносиб ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётдаги ролини ошириш мақсадида ташкил этиладиган ихтиёрий, ўз-ўзини бошқарадиган, нотижорат, мустақил жамоат ташкилотидир.

Президентимиз Хотин-қизлар кенгашини тузиш тақлифини илгари сурак экан, жамиятимиз турмуш даражасининг ошиши, айнан аёлларга боғлиқ эканини кўрсатиб ўтди.

Маълумки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг муҳим органи бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзо бўлиб кирди. Бу ўз-ўзиндан бўлгани йўқ. Бунинг учун мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон миқёсида қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ равишда қатор ишловларни олиб борди ҳамда ўз ушбу жаҳоннинг давом эттирмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлганимиздан кейинги жараён ҳам ўзига хос мураккаб вази-фаларнинг олдимизга қўяди. Бу вази-фаларнинг энг муҳими эса хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқи, уларнинг жамиятдаги ролни, турмуш даражасини ошириш бора-сидидаги амалий ҳаракатлардир.



АГРОТУРИЗМ

ТАДБИРЛИ КИШИНИНГ РИЗҚИ БУТУН

Шарқ мамлакатларида яшовчи халқлар, хусусан юртимиз одамлари меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Шу боис, хорижлик сайёҳлар аънанавий меҳмонхоналардан кўра меҳмон уйларида яшашга қизиқади. Бунда меҳмонлар нафақат халқимиз урф-одатлари, фель-атвори, балки оилавий тутуми, қишлоқ хўжалик имкониятлари ва ютуқлари билан ҳам танишиш имконига эга бўлади. Бу, табиийки, агротуризм ривожига хисса қўшади. Агротуризм Испания, Италия, Буюк Британия, Греция, Франция каби мамлакатларда яхши ривожланган бўлиб, бунда сайёҳлар маълум муддат қишлоқда яшаб, маҳаллий урф-одатлар, ҳаёт тарзи билан танишади, кундалик меҳнатларда иштирок этади. Юртимизда ҳам агротуризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар бор. Ўзига хос табиатга эга сўлим қишлоқларимиз, сайёҳлар эътиборини тортадиган турмуш тарзи, маҳаллий урф-одатлар кўпчилик учун қизик.

Юлдуз ЎРМОНОВА, журналист



АСАКАДА ГУЛ ЧАНГИДАН ДОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Табиат сирини саноатга бой. Ҳар бир ўсимлик инсон учун қони фойда. “Асака” асаларичилик агрофермер хўжалиги 700 дан ортиқ қарпат зотли асалариларни гоҳ тоғ шароитида, гоҳ пахта далаларида, пистазорларда парвариш-ляпти. Арилар дарактлар, гуллар ва бошқа ўсимликлардан чанг йиғиб, ўз уясини асалга тўлдирди. Хайратланарлиси, улар уясини адаштирмайди.

Элмурод ЧЕКАЛОВ, “Асака” асаларичилик агрофермер хўжалиги раҳбари:

— Пандемия шароити фаолиятимизга таъсир қилмади. Сабаби бизга қуёш чарақлаб турса қифоя. Асосий ишимиз очиқ табиат билан боғлиқ. Ариларни йилда 3-4 марта қанага қарши дорилаямиз, холос. Қолган ишларни асалариларнинг ўзи бажаради.

Хўжалик қошидаги цехимизда чиройли идишларга қадқолган асаллар шартнома асосида ташкилотларга етказилади. Асалнинг тоғ асали, пахта асали, яна қуритилган мевалар аралашган турлари бор. Шунга қараб улар 40 минг сўмдан 60 минг сўмгача баҳоланади. Келгуси йилда Урмон хўжалиги давлат кўмитаси билан ҳамкорликда гул чангларидан дармондори ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Масалан, олма гули чангидан тайёр-ланган дорининг бир донаси 7 та олма еган билан тенг калория беради. Бунинг учун бизга 7 хил махсус ускуна керак. 2021 йилда кредит олсак, бу ускуналарни Хитойдан келтириб, иш бошлашни режа қилганмиз.

ДУНЁ БОЗОРНИНГ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Халқ таъаботида беморларни табиий даволаш усули алоҳида аҳамиятли. Мева ва сабзавотлар орқали нафақат касалликларни даволаш, балки олдини олиш ҳам мумкинлигини ҳамма билади. Ана шундай шифобахш мевалардан бири, бу — узум. Шифокорларнинг таъкидлашича, узум бўйрақдаги тузун ювади, жигарни тозалайди, асаб тоғларни қувватсизлигини даволайди, қон босимини туширишда ҳам жуда фойдали. Булоқбоши тумани Дўлана қишлоғида жойлашган “Дўлналик боғдон меваси”



фермер хўжалиги билан яқиндан танишар экансиз, бу ерда табиий шароитларда етиштирилган узумларни татиб қўриш, май-июнада эса қуритилган узумлар мазасига баҳо беришингиз мумкин. 2007 йил ташкил топган ушбу фермер хўжалиги бугунги кунда узум маҳсулотларини қўллаб-қувватлаш давлатларга экспорт қилади.

Ҳабибулло НАЗАРОВ, “Дўлналик боғдон меваси” фермер хўжалиги раҳбари:

— Ўн икки ишчимиз билан “Нимранг”, “Анджон-қора”, “Хусайни”, “Ризамат”,

“Сўғдиёна кишими” каби узум навлари етиштирамиз. Уларни Россия, Қозғистон, Япония, Жанубий Корея каби давлатларга етказяймиз. Албатта, маҳаллий бозорларга ҳам сотамиз. Узумлар навига қараб, улгуржи 5 мингдан 8 минг сўмгача бўлган нархларда баҳоланади. Бу меваларнинг пишиш даври июль ойидан бошлаб октябргача давом этади. Мана шу даврда нафақат маҳаллий тадбиркорлар, балки хорижлик меҳмонлар ҳам келиб, фермер хўжалигимиз билан яқиндан танишади ва қизиқиш билдиради, ҳамкорлик ўрнатади.

БАЛИҚ – ЛУҚМАЙ ҲАЛОЛ

Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда балиқчилик соҳасига ҳам қатта эътибор қаратилаётгани сир эмас. Аҳолини арзон, сифатли балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бозорларда, дўконлар атрофида тирик ва музлатилган балиқ сотиш нуқталари ташкил этилмоқда. Бунда балиқчилик билан шуғулланувчи тадбиркор-фермерлар нафақат иқтисодийта, балки туризм соҳаси ривожига ҳам хисса қўшиб келаётганини кўриш мумкин.



Балиқ — луқмай ҳалол, дейди халқимиз. Хўжабод туманидаги “Қора амур” фермер хўжалиги ана шундай нунавнали масканлардан бири бўлиб, унда 5 турдаги — пёстрый, оқ амур, сазан, карп ва лаққа балиқ парвариш-ланади. Бу ерга келган сайёҳлар балиқ ови билан шуғулланиши ҳам мумкин. Масканга кириб борар экансиз, ташриф буюрувчилар учун дам олиш ҳудуди, ошхона, меҳмонхона, супалар, айвончалар ва бошқа шароитлар яратилганининг гувоҳи бўласиз. Хўжалиқда ўндан ортиқ ишчи меҳмонларга хизмат кўр-сатади. Уларнинг айтишича, бу ерга хориж-лик сайёҳлар тоғли худудлар, адирлар ва тарихий жойларни зиёрат қилишга, ўрганишга кўп келади. Пандемия шароитига қарамай ташрифлар узилмади, қишда кунига 30-40 та, ёзда эса бундан ҳам кўпроқ меҳмон кела-ди, дейди ишчилар.

Владимир РУСЕВНИКОВ, “Қора амур” фермер хўжалиги раҳбари:

— 20 йилдан буён балиқчилик билан оила-вий шуғулланамиз. Маҳаллаларга, бозорлар-га, Тошкентга ҳам балиқ етказамиз. Янги йил байрами арафасида талаб ҳар доимгидан ортади. Тадбиркорларга балиқларни улгур-жи нархларда сотамиз. Масалан, оқ амур ва сазан кўп сотиладиган, калорияси кучли балиқлардан бўлиб, килоси 18-20 минг сўм атро-фида баҳоланади.

Биринчи марта балиқчилик билан шуғу-лана бошлаганимда қора амур турдаги балиқларни парваришлаганман. Улар шил-лиққурт ейдиган сув жонивори бўлгани учун камеб ҳисобланади. Сабаби балиқча озунка — шиллиққурт етказиб бериш қийин. Мен ҳам шу қийинчиликка кўп дуч келган, бошқа турдаги балиқларни парваришлаганга бел боғладим. Ҳозирда аксарият маҳаллий тадбиркорларда карп балиғига эҳтиёж бор. Карп тез ўсадиган, тўғимли балиқлардан саналади. Библишимча, фақат шаҳар марказларида сотилади. Чекка худудлардаги фермерларга ҳам етказиш им-конияти яратилса, дейимиз. Бу маҳаллий бо-зорларни балиқ маҳсулотлари билан марказ-дагидан арзонроқ нархда таъминлашга имкон яратади.

Вилоят бўйлаб агротуризм йўналишида сайёҳларни қабул қиладиган объектлар рўйха-ти доимий шакллантириб борилади. ОАВ орқали ва бошқарманинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида агротуризм объекти тўғри-сида маълумотлар, туроператорлар томо-нидан сайёҳлик дастурлари ишлаб чиқилиб, улар мустақил равишда ташриф буюрадиган сайёҳларга ҳам тақдим этилади. Бу орқали сайёҳлар ушбу объектига бориши ҳамда ту-ризмнинг янги йўналишлари билан танишиш имкониятига эга бўлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШИ — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ АСОСИ



Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мактеини янада мустаҳкамлаш – ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир”, дея таъкидлади.

фоизни ташкил этмоқда.

Маълумки, хотин-қизлар бандли-гини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим масалалар сирасига қиради. Чўнки, ечимини кутаётган муаммо-ларнинг аксарияти шу масала билан боғлиқ. Мамлакатимизда 1 миллионга яқин ишсиз аёл бўлиб, бунга доимий иш ўрнига эга бўлмаган, мавсумий ишларда банд аёллар қўшилса, улар-нинг сони 2,2-5 миллионга этади. Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган ёлғиз оналарни уй-жой билан таъминлаш масалалари ҳам бугунги кундаги оғриқ-ли муаммолардан биридир. Аммо, қўл-лаб хотин-қизлар мана шу масалалар бўйича қайси ташкилотга мурожаат этишни билмайди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатно-масида давлат бошқарувидаги самар-адорликка оид ислоҳотлар юзасидан фикр билдирар экан, хотин-қизлар ма-саласига алоҳида тўхталиб ўтди.

2020 йилда юзага келган пандемия

шароитида республикамиз бўйлаб 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилди. Шулар асосида “Аёллар дафтари” шаклланти-рилди ва бу жараёнда хотин-қизларни қийнаётган қўллаб-қувватлаш мақса-дий муаммолар маҳаллий ҳокимлик-ларнинг ишчи гуруҳи билан ҳамкорлик ра-вишда ҳал қилинган. Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этиш тақлифини илгари суракди. Жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилиши белгилаб берилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва ҳудудий жамғар-

Бугун республикамиз давлат ва жа-моат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин хотин-қиз раҳбарлик ла-возимини фаолият олиб бормоқда. Уларнинг улushi соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳасида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоизни, саноатда 38

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ...

Жавлонбек дунёга келганида онаси Мўътабархон ая ва отаси Абдуқаюм ака хурсандликдан еру кўкка сизмаган эди. Аммо... У эндигина олти ёшга тўлганида мўдхш воқеа содир бўлди. Ёзининг жазирасида кўчада чопқиллаб кетаётган машина келганини сезмай қолди ва... У тўшакка миҳланди, бироқ ҳаёт синовларига энгилмади.

Орифжон ЖўРАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Жавлонбек Абдуллаев бугун ёшларнинг энг фаол қатламига мансуб. Сузиш бўйича икки карра, ядро улоқтиришда бир карра Ўзбекистон чемпиони, мамлакат Паралимпия ўйинлари қолиби, Наманган давлат университети битирувчиси, Косонсой туман кенгаши депутати.

— Бу мўдхш воқеа 2003 йил 14 август куни содир бўлди, — дея хотирлайди у. — Унагани кўчага чиқдим. Чанқаб кетиб ариқдан сув ичгани бораётсам, узокдан нимадир келаётганини пайқадим, аммо қочмишга улгурмадим. Сониялар ичида мен "Камаз" гилдираги ёнида ётганимни кўрдим: ҳаммаёғим қон, қўлларим, уст-бошим чанг эди. Ҳушимни йўқотдим. Кўзимни очсам, шифоҳонадаман. Уримдан турай, деб чойшабини кўтариб ҳаммасини тушундим. "Оёғим қани?" дея қичқирдим. Боядан буён тинмай лабини тишлаётган онам хўнграб йиғлади, отам эса палатадан чиқиб кетди...

Ҳамма тенгдошларим мактабга борган пайтда отам: "Уй — мактаб, мен — ўқитувчи" деганча ручка, дафтар, китоб кўтариб келди. Ишонасизми, тўрт девор ичида қолганим сабаб отамни кўёшга ўхшатдим. Ҳаётимга зёё олиб кирган эди ўшанда отам. Ҳа, биринчи устозим — падари бузрукворим. Мунтазам дарслар, машқлар бошланди. Кўп ўтмай тенгдошларимдан ўзиб кетдим. Яна бир воқеа мени ларзага солади. Ижтимоий таъминот марказидаги ходимлар менга ногиронлик аравачасини олиб келишганида роса шодландим. Энди мен ҳам кўчаларга чиқаман, дедим. Қўвончим бир олам эди. Бироздан сўнг отам ишдан қайтди. Аравачани кўрди-ю, бақирганча уни кўчага улоқтириб ташлади. Мен ҳеч қачон отамни бу аҳволда кўрмагандим. Анчагача хафа бўлиб юрдим, ранжидим, йиғладим. Аммо кейинчалик отам нимага ундай қилганини тушундим.

Жавлонбек бошланғич таълимни уйда бошлади, бир вақтда ўзбек ва рус тилларини ўрганди. Ҳозир чет тилларини яхши билади, саккиз балли "IELTS" сертификати ҳам бор.

... Аммо ўшанда мактабга бормагани унга роса алам қилди. Бир куни отаси: "Мана сенга қўлтиқтаёқ. Тўғри, бошида ундан фойдаланишга қийналасан, лекин тез орада қўлайлигини англайсан", дейди. "Футбол ўйнасам ҳам бўладими?" қўзларини катта-катта очиб сўрайди у отасидан. "Ҳа, фақат яхшилаб юришни ўрганиб ол!" деган жавобни олгач, бир жуфт қўлтиқтаёқда юришни машқ қила бошлади. Бир йилкилади, икки йилкилади. Хуллас, охири бемалол ҳаракатланишни ўрганади...

— Агар ўшанда ногиронлик аравачасига ўтирганимда, бир умр шу матоҳнинг эгасига айланган, боғлини қолган бўлардим, — дейди Жавоҳир. — Бунинг учун отамдан бир умр миннатдорман. Падари бузрукворим ва волида муҳтарамам елкаларида кўтариб юриб, ўзлари бу оламни эрта тарқатишди. Илоҳим, руҳлари шод бўлсин! Ҳозир акам Жамшидбек билан бирга яшайман.

— Университетни тамомлаясиз, талабалик даврингиздаги таассуротларингиз, келгуси режаларингиз тўғрисида ҳам гапириб берсангиз?

— Косонсой тумани марказидаги 1-умумтаълим мактаби муаллими Карима Иброҳимова биринчи устозим, яқна тартибда хонадонимизга келиб сабоқ берган. Тумандаги 22-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Наманган муҳандислик-технология институти қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиларидан қарздорман.

Наманган давлат университети мен учун муқаддас даргоҳ. Бу ерда педагогларнинг меҳри-



ни, муҳаббатини, қўллаб-қувватлашларини ҳис қилдим. Устозларим Рустам Имомов, Камолитдин Сирожиддинов, Феруза Муродхўжаева, Азизбек Азизов, Жавоҳир Йўлдошев, Саидкабар Муталовлар ютуқларимга катта ҳисса қўшмоқда, кўмак бермоқда.

Спортнинг сузиш тури билан мунтазам шуғулланаман. Паралимпиадада иштирок этдим ва икки карра Ўзбекистон чемпионлигига эришдим. Ядро улоқтириш бўйича мамлакат чемпиониман. Бир қанча вилоят ва республика кўрик-танловларининг қолибига айландим. Бадиий ижодда қалам тебратиб, қатор бадиий ва илмий мақолалар, қўллаб лойиҳалар муаллифи, университетда ўтказилаётган барча тадбирларнинг фаол қатнашчиси, сертификат ва дипломлар соҳиби бўлдим. Устозим Камолитдин Сирожиддинов раҳбарлигида Наманган вилоятида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш халқаро маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланиш олиб бораётганман. Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида Ўзбекистон футбол мусобақаси турнирини ташкил этишдаги ташаббусни қўлга олиб, дастлабки ўйинларни йўлга қўйдик.

2019 йили Косонсой тумани халқ депутатлари Кенгашига депутат бўлиб сайландим. Одамларнинг дарду ташвишларини биргаликда ҳал этиш менга доимо қаноат ва шижоат бағишлайди. Ўзимда чарқоқ сезсам эса ҳазрат Навоийнинг "Хамса"сидаги қуйидаги байтни эслайман:

**"Нафъунг агар халққа бешақдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўрақдурур".**

Мақсадим — халқимизга баҳоли қудрат хизмат қилиш. Автофалокат туфайли тўшакда ётган пайтларда китоблар унга энг яқин дўст бўлди. Шу боис Жавлонбек ҳаётида китоб билан боғлиқ чиройли ва унутилмас хотиралар талайгина. "Ўйимизда дадам раҳматлининг ижодхонаси бўларди, — дея эслайди у. — Шифтга қадар ўрнатилган китоб жавонлари лиқ тўла ва юксак дид билан жойлаштирилган. Бир тарофда луғат, энциклопедиялар терилган бўлса, иккинчи томонда ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари: Навоий, Машраб, Бобур, Пушкин...

Дадам иқтисодчи бўлгани учун ноёб соҳага оид асарларни алоҳида жойда сақларди. Мен ўша китобларга кўпроқ қизиқардим. Уларни тушунамсам-да, ўқийверардим. Йиллар ўтиб, уйлар ҳам, китоб жавонлари ҳам янгиланди. Аммо ўша болалигимдаги эртанамо ижодхонани кўмсайвераман. Болалиқнинг, илмининг ҳиди бор эди унда.

Очиги, беморлигимда Аллоҳ нақадан азиз неъмат — вақтингиздан бебаҳолигини англадим. Ижтимоийлашш тўрт девор ичида қамалиб ўтиришдан афзаллигини тан олдим. Раҳматли шоиримиз Анавар Обиджон айтганидек, "Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрининг ҳар дами ғанимат" экан.

МУНОСАБАТ



20 МИНГ ЁШГА 20 МИЛЛИАРД СЎМ

моддий кўмак ажратилиб, 20 турдаги касб-ҳунарга ўқитилади

Ўзбекистон ёшларининг ҳар бири бугунги кунда ўз ҳаётларида рўй бераётган катта ўзгаришлар, таълим, санъат, ишбилармонлик, умуман, барча соҳаларда уларга яратилаётган кенг имкониятлар остонасида турибди, десак муболага бўлмайди. Бу борада бир неча йил илгари бошланган эзгу мақсадлар ҳаётга фаол татбиқ этилиб, янада улкан ғоя, аниқ лойиҳаларга айланиб бормоқда.



Хайрулла САТТОРОВ,
"Yoshlar — kelajagimiz"
жамғармаси
ижрочи директори

2021 йилнинг Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилиниши, давлатимиз раҳбарининг ўтган йили 25 декабрь куни илк бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумидаги тарихий нуқта, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор фармон ва қарорлари мамлакатимизнинг 55 фозини ташкил этувчи 30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ҳаётидаги катта ўзгаришларга йўл очмоқда.

Жорий йилнинг 27 январь куни Президентимиз раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида ҳам юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир йигит-қиз билан манзилли ва тизимли ишлаш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Бунда, айниқса, ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, бироқ иш билан банд қилиш ёки тадбиркорлик кўникмаларини

шакллантириш орқали уларнинг ўз ишини бошлашига шароит яратиб бериш каби масалаларга эътибор қаратилди. Шу жиҳатдан, юртбошимиз "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси олдига талаб юқори бўлган 15 та касб-ҳунар ўргатадиган онлайн платформани ишга тушириб, жорий йилда камидан 20 минг ёшни ўқитиш вазифасини қўйди.

Бугунги кунда ёшларни тадбиркорликка фаол йўналтириш "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Тузилма томонидан Давлат дастури доирасида ўтган йили йигит-қизларнинг 1 818 та бизнес лойиҳасига жами 427,8 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 10 минг 25 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Ана шу кредит маблағлари ёрдамида ўз фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар ҳоржига 4 миллион 630 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни экспорт қилиб, давлат бюджетига ўртача 100 миллион сўмга яқин солиқлар кўринишидаги тушумларни амалга оширди.

Худудларда 19 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг-маркази, 188 та "Ёшлар меҳнат гузарни" фойдаланишга топширилди. Уларда 2 100 та янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларнинг билимларини ошириш мақсадида мутахассислар томонидан жойларда ташкил этилган 3 894 та бизнес семинарда 198 216 йигит-қиз жалб қилинди. 57 минг ёш иштирокида худудлардаги йирик ишлаб

чиқариш корхоналарига 1 826 мартаба бизнес саёҳат уюштирилди.

Аҳамиятли жиҳати, кредит олиб, ўз ишини бошлаган ёшлар кейинчалик ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Уларнинг маҳсулотларини харидорларга таништириш мақсадида қўллаб-қувватлаш ямаркалари ташкил этилди. Бунда халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозиргача ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

"Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси шу вақтга қадар иқтидорли, бизнес юритиш кўникмаси ва қобилиятига эга ёшларга эътибор қаратган бўлса, эндиликда, Президентимиз топширилган асосида ўз ўрнини топа олган, тадбиркорлигини йўлга қўя олмаётган йигит-қизлар билан ҳам тизимли шуғулланади. Уларга моддий ва маънавий кўмак бериб, оёққа туриб олишида тиргак бўлади.

Ана шу мақсадда жамғарма томонидан тажрибали мутахассислар, маҳоратли мураббийни жалб қилган ҳолда, ёшларни даромадли касбларга ўқитишга мўлжалланган онлайн платформа яратилди. Бу платформага даромадли касб-ҳунарларни ўргатиш бўйича юртимиз ва хориж тажрибаси асосида видео-дарслар, қўлланмалар, йўриқномалар, маҳорат дарслари жойлаштириб борилади. Ўшбу мақсадлар учун жамғармага 20 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Билдирилган юксак ишонч ва масъулиятни ҳис қилганимиз ҳолда, биз бутун жамоамиз билан мазкур топши-

риқ ижросини таъминлаш мақсадида ҳозирги кунда мамлакатимизда талаб юқори бўлган 20 та касб-ҳунар турларини аниқлаштириб олдиқ. Олдимизга қўйган эндиги вазифамиз касб-ҳунарни ўрганиш истагида бўлган ёшларга онлайн платформа орқали дастлабки билимларни беришдан иборат. Кейинги қадам эса касб-ҳунарга оид олинган билимларни амалиётда синаш ва тажриба орттириш бўлади.

Ўтган 2,5 йиллик фаолиятимиз давомида орттирган тажрибамиз, шунингдек, жамғарма кўмагида имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган барча фидойи тадбиркор ва ҳунармандлар кўмагида мазкур дастури амалга оширишни қўзғалганимиз.

Ёшларга нафақат касб-ҳунар, балки тадбиркорлик сир-асрорларини ўргатиш фаолиятимизнинг асосий қисмига айланади. Республикаимизнинг барча бурчқларидан истиқомат қилаётган ўғил-қизларга тадбиркорликнинг дастлабки босқичларидан тортиб кредит олишга, молиявий фаолият, ҳатто, улар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг харидорини топишга ҳам кўмаклашувчи мукамал тизим ишлаб чиқилади. Ишбилармонликнинг сердаромад соҳаларини оммалаштириш, ўзаро фикр, тажриба ва билим алмашинуви таъминлаш мақсадида тадбиркорлик соҳаларига масъул уюшмалар билан ҳамкорликда ҳар бир туман, шаҳарда етакчи ёш тадбиркорларни шакллантиради. Мазкур тизимни самарали йўлга қўйишда барча вазириқ, идора, уюшмалар, фидойи тадбиркорлар, ҳунарманд ва тажрибали мураббийлар билан ҳамкорликка тайёрмиз. Зеро, юртимиздаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйишда кўмак беришда жамғарма жамоаси бор кучини сафарбар этишга шайланган.

ҲАЁТИЙ ТАШАБУСЛАР ҚАНОТИДА

Шўҳрат НЕҒМАТОВ,
Иштихон тумани ҳокими

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида белгиланган ва амалга оширилши мўлжалланган режалар бугун халқимизни руҳлантириб юборди. Ушбу тарихий ҳужжатда энг устувор соҳалар қатори таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса мазкур соҳадаги ислохотлар ва мўлжалланган режаларимизни амалга оширишида катта умид ва ишонч уйғотди. Зеро, таълим ҳар бир соҳанинг тамал тошидир.

Мурожаатномадаги ёшларнинг келажаги, уларни ўқитиш, камолга етказиш билан боғлиқ долзарб вазифалар, менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Чунки мамлакатимиз келажаги, тақдирини ёшлар ҳал этишини барчамиз яхши биламиз. Қолаверса, ҳаётда неки эзгу орзу-мақсадларга эришмайлик, бунинг замирида мактабдаги таълим-тарбия мужассам. Шу боис инсон камолотида мактабнинг аҳамияти беқиёс.

Педагог оиласида туғилганман. Онам Зурафо Абдурахмонова 50 йил бошланғич синф ўқитувчиси бўлган. Ана шу муҳит болалигимдан ўқитувчилик касбининг нечоғлик машаққатли, масъулиятини англашни, таълимнинг ёшлар тарбиясидаги, келажақда ўз ўрнини топишда қанчалик муҳимлигини англапти.

Ҳақиқатан ҳам, муаллимларимиз бола-ларга сифатли таълим бериши ва ўз устида ишлашдан бошқа нарсга ҳақида уйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бермоқда. Президентимиз Мурожаатномасида таъкидланганидек, ўқитувчи, мураббий ва услубчилар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишлар келгуси йилда ҳам давом этади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 миңдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН ЁШЛАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

сўм қўшимча маблағ ажратилиши белгиланмоқда.

Биз хоҳлаймизми-йўқми ислохотлар жадаллашувига баҳо берадиган маскан — бу мактаб ва унинг педагогик жамоаси. Чунки ҳар бир худуднинг ривожланишига ҳисса қўшадиган раҳбар, авваламбор, мактабда таълим олади, унга эса узукко ўқитувчи таълим беради. Мактаб биноси кўркам, ўқитувчиларнинг билим савияси юқори бўлса, сўзсиз ўша худудда юксаклик сари дадил қадам ташланади. Шундай экан, бугун туман раҳбарлари ва мутаассадиларнинг эътибори мактаблар фаолияти ҳамда таълим сифатига қаратилмоғи шарт.

Шу ўринда таъкидлашим лозимки, туманимиздаги барча секторлар раҳбарлари ўз ишини мактаблар фаолиятини қўздан кечиртириб бошлашди. Жумладан, мен ҳам ҳар куни дастлаб эътиборимни мактаблардаги аҳволга қаратаман. Сайёр қабул ўтказишда ҳам, авваламбор, ўша худуд аҳолиси ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан қизиқаман. Яқинда туманимизнинг энг олис тоғолди Алдарас қишлоғида бўлдим. Оқсоқоллар, ўқитувчилар 57-умумтаълим мактаби биноси эскирганини, ўқув хоналарининг эшик-роллари яроқсиз ҳолга келганини айтишди. Туман маҳаллий бюджетни ҳисобидан мактаб таъмири учун маблағ ажратилиб, эшик-дезапалар замонавий ромларга алмаштирилди.

Тумандаги яна бир олис "Равот" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 15-умумтаълим мактабига эса 700 дон бадиий китоб олиб бериш учун туман бюджетни ҳисобидан 15 миллион сўм маблағ ажратилди. Худди, шунингдек, 23-умумтаълим мактабига ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Учрашувга тўпланган аҳоли, ўқитувчилар ва ёшлар мактабда мусиқа анжумлари йўқлиги, кутубхонада эса янги бадиий китоблар етарли эмаслигини билдиришди. Мактабга 15 миллион сўмлик мусиқа асбоблари ва 10 миллион сўмлик 430 дон бадиий китоб олиб бердик.

Туманимиз халқ таълими тизимида 97 та мактаб ва битта "Баркамол авлод" маркази бор. Бу ўқув даргоҳларида ўқув-



чилар пухта ва сифатли билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, мактабларда кимё-биология, физика фанини амалиётда ўрганиш учун ўқув лаборатория хоналари замонавий жиҳозланган. Ушбу ўқув йилида 76 нафар мактаб директори, 1020 нафар ўқитувчи малака ошириш курсларида таҳсил олишди. Мактабларнинг барчаси тоза ичимлик сув билан таъминланган. Ўтган 2020 йилнинг ўзида қарийб 200 миллион сўмлик маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан 400 дон янги стол-стул харид қилиниб, эҳтиёжи бор мактабларга етказилди. Шунингдек, инвестиция дастури асосида 140 ўринли 51-умумтаълим мактабига 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари, "Инқирозга қарши курашиш" дастури асосида 220 ўринли 90-умумтаълим мактаби биноси учун 2 миллиард

сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиб, тўлиқ таъмирланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан иссиқлик тизими учун даяри барча мактабларда жами 510 011 942 сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, улар куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилди.

Туманимизда беш ташаббус бўйича ҳам ёшлар ўртасида қизгин ишлар бўлиб борилаётган. Жумладан, ёшларнинг мусиқа, боссомиқ, адабиёт, театр ва санъатнинг ролига турларига қизиқишларини ошириш борасида 331 та тўғарак ташкил этилиб, уларга 6 165 нафар ўқувчи қамраб олинди. Мактабларда ташкил этилган 18 та театр студиясида 153 нафар ўқувчи ўз истеъдодини намойиш этмоқда. Ёшларни жисмоний чинтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намойиш қилиши учун эса умумий ўрта таълим ва спорт мактабларида 457 та спорт тўғаригаги 10 359 дан зиёд ўқувчи-ёшлар жалб этилган.

Аҳоли, айниқса, ёшларни компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиши учун 18 та мактаб интернет тармоғига уланган. Бундан ташқари, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масаласига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир умумтаълим мактабларида 52 423 дон бадиий адабиётлар мавжуд. Уларнинг 1 870 донасини электрон адабиётлар ташкил этади.

Бироқ бу амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли эмас. Эндиликда Президентимиз Мурожаатномасида таъкидланганидек, бола туғилганидан бошлаб 30 ёшгача бўлган даврида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва улғусиз тизим яратилади. Зотан, чуқур билим ва ҳаётий кўникмаларга эга бўлган, интеллектуал ривожланган ўғил-қизларни тарбиялаш руниқинг талаб ва эҳтиёждир. Биз шу заруратдан келиб чиқиб, юқлатилган вазифаларни сидқидилдан бажарсак, фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА



Тил, сўз, нутқ, говуш, харф сингари лисоний бирликларни хис этиш, унинг таъсир кучини англаш ва англаштиш, уларни гоёвий мақсад нуктаи назаридан моҳирона қўллаш доимо адабларнинг диққат марказида турган. Бирон сўз санъаткори йўқки, тил, сўз, нутққа эътибор қилмаган бўлсин. Хатто, диний ва дунёвий таълимотда дунёнинг яралиши ва тугагани, яъни ибтидо ва интихони ҳам сўз билан боғлаш мавжуд. Парвардигори оламнинг "Бўл!" деган хитоби билан ўн саккиз минг олам яралган. Унинг кунфаяқун бўлиши ҳам сўз билан дейилади.



Навоий наздида нутқ



Рақимбой ЖУМАНИЙЕВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти, "Мазрифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси

Демак, сўз — илоҳий неъмат. Уни муқаддас тутуш, калом аҳлини эъзозлаш азалдан мавжуд. Сўзнинг сеҳрини унга меҳр қўйганлар ахши англайди. Хўш, мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг худди шу масаллага муносабати қандай? Шу ҳақда мулоҳаза билдирмоқчимиз.

Навоийнинг ижодиёти аслида сўз қудрати ва нафосатини, бойлиги ва мўъжизавий кучини намоён этувчи кўзгудир. У айрим асарларида сўз ҳақида, унинг хосияти ва нутқнинг моҳияти борасида алоҳида тўхталиб ўтган. Сўзнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва инсоннинг ўзлиги сўзи билан боғлиқлигини шоирона ташбеҳлар билан изоҳлайди.

Сўздурак, нишон берур ўлукка жондин, Сўздурак, берур жонга хабар жонондин. Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳари шарифроқ, йўқ ондин.

Шоир бошқа бир ўринда "Кўнаул дуржи ичра гуҳар сўз дурур. Башар гулшанида самар сўз дурур", дейди. "Гуҳари шариф"лик даражасида таърифланган сўзга Навоийнинг муносабати айрича. Инсоннинг сўзлаган сўзига қараб, унинг маънавияти, руҳий оламини англаш мумкин. Шунинг учун ҳам халқнинг "ўзинга қараб кутарлар, сўзинга қараб кутатарлар" деган нақли беҳуда айтилмаган. Ҳар ким сўзлаши, нутқ ирод этиши мумкин. Лекин унинг савияси, билими, дунёқароши, қизиқиши, ботиний дунёси гўзал бўлмаса, сўзи мазмунли, нутқи жозибали бўлиши қийин.

Навоий нутқни баҳорга, сўз маъносини эса гулга қиёс қилади. Гул баҳорнинг келгани, ифорий исларга бойлигини англайди. Гулнинг бўйидан баҳраманд бўлиш дилда ажиб ҳисларни уйғотади. Баҳор анвоий гуллар билан гўзал. Қоғоз гул кўзни қувонтирар, лекин у хушбўй ҳиддан бебаҳра. Худди жимжимдор сўз маънодан йироқ бўлгани каби нутқдан, сўздан мақсад — маъно. Маъно — сўз тожи. "Сўзлаш ихтиёри менда" қабилда иш тутуш ҳам ҳар доим яшиллик келтиравермайди. Серсўзлик — лакмалик, нодонлик аломати. "Айтувчи доно бўлмаса ҳам, эшитувчи доно бўлсин" деган гап заманида ҳам шу маъно бор. Аҳли донишларнинг беридан сўрашибди: "Қандай қилиб донишманд бўлдингиз?". У дебди: "Тинглаб, тинглаб ва яна тинглаб".

Қолаверса, қисқа, лекин маъноли сўзлаш одоб белгиси. Мана, Навоийнинг шу ҳақдаги фикри: Ҳар кимсаки, сўз демак шиорида дурур, Маъно гули нутқининг баҳорида дурур. Сўзким, демасун улки ихтиёрида дурур, Сўз яхшилиги чух итхисорида дурур.

Қисқа сўз ва кўп маъно англашти бадийлик мезонларидан. Навоий нутқнинг қисқалиги ва соддалиги нотқи фазилати эканини уқтириб қолмасдан, балки сўзга муносабат борасида ўтмиш алломаларнинг шу ҳақдаги фикрларига таянади ҳам. Кайковуснинг "Қобуснома"сида шуларни ўқиймиз: "Кўп билиб оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демагил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладу-у кўп сўзлар. Дебдуларки, хомушлик саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлагувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар".

Навоий наздида сўзга ўта эҳтиёткорлик зарурки, ноҳўя сўз ноҳуш ҳолатга сабаб бўлиши, бир сўз билан киши дили хира бўлиши мумкин. "Сўзлагандан сўзламаган яхшироқ, сўзлагандим тегди бошимга таёқ" халқ нақлини Навоий бошқача тарзда ифода этади, танбех беради. Сўзнинг ўрни сир. Уни билиш, амалда қўлай олиш зарур. Сўз санъаткорлари сўзлашдан олдин ўйлаш, яъни топиш, танлаш ва қўллашда ақл-идроқ, фаҳм-фаросат лозимлигини доим эътиборда туттишган. Сўз билан кишини шод этиш, барбод этиш ҳам мумкин. Навоий нутқ эгасининг тилга эътибори ва масъулиятини кучайтириб, ўринсиз сўз бошга бало бўлиши муқарраллигини эътироф этади.

Сўздан кишининг ғаму бало ҳосилдур, Ҳар нуктада тили деса, бало дохилдур. Бесирфа деган кишига тили қотилдур, Алқиссаки, кимсанинг балоси тилдур.

Навоий шу ўринда мазкур ривоятга ишора қилган бўлса ажаб эмас. Бир кунги шох ўнг қўл вазири билан шикордан қайтиб келаётганида, пастқам бир уйнинг олдида бели букчаган, ҳассага таянган кези бир қўли олдида тиланчилик қилиб турган қарияга кўзи тушади. Шох вазирга ишора қилиб дейди: "Ху анови мўйсафидни кўрясанми? Бизларга ёшлигимизда сабоқ берган Али Сафий деган устозга жуда ўхшаркан-а".

Вазир: "Маъзур тутинг, уша қария Али Сафийнинг худди ўзидур", деди.

Шох даргазаб бўлди: "Мен юрт ҳукмдори, сен вазир бўла туриб, бизга алифбодан сабоқ берган устозимнинг шундай кўйга тушишига сабаб не?".

— Мен устозга кўп бор маслаҳат солдим, унамади. Яхшиси, ўзингиз бир сўраб кўрмайсизми? — деди вазир.

Шох отдан тушиб, Али Сафий ҳазратларининг олдига бориб, кўришди.

— Устоз, бу аҳволотингизнинг боиси недур? — деб сўради.

— Тўғри, — усмоқчилаб сўз бошлади устоз, — мен сизларга чин дилдан, чин сўздан сабоқ бердим. Менга ҳам сабоқ берган устозлар кўп бўлган. Улар ичида иккитаси мени хуш қўриб, доим ардоқлаб юради. Бири нима дейишни ўргатарди, иккинчиси эса нима демаслигини. Нима демаслигини биламан-у, нима дейишни ўрганишим керак, — деб, биринчи устозга кўл бердим, оқибатда шундай кўйга тушдим. Кейин кўлиб етдим, нима дейишдан кўра нима демаслигини билиш донолик экан.

Навоий ўтилларидан бери шундай: "Сўзни кўнгүлда пишқормагунча тилга келтурма, ҳар неким кўнгүлда бор, тилга сурма". Англашляптики, зарур сўздан ҳам энг зарурини айт, унинг ҳам ҳолати бўлса, деган мазмун Навоийнинг талаби.

Улуғ мутафаккир нутқнинг хусусиятлари — қисқа-

эътибор билан қараганини "Хамса" дostonларидан ҳам сезиш мумкин. "Ҳайрат ул-аббор", "Фарҳод ва Ширин"-дан ташқари барчасида сўз ҳақида алоҳида боб борлигидан ҳам билиш мумкин. Худди шундай мулоҳазаларни "Насоим ул-муҳаббат", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбул ул-қулуб", "Назму ул-жавоҳир" каби асарларида илгари сурган. Сўзни илоҳий хитоб, дея эътироф этади.

Навоий сўзни мазмуни ва моҳияти жиҳатидан иккига бўлган. Тангрига ва башариятга хос бўлган сўз. Қуръони каримдаги балоғат ва фасоҳатли сўзларни, "Лавҳ ул-маҳфуз"даги тақдир битикларини, бутун кинотнинг яралишидаги Тангри таолонинг "кун!" (яъни, бўл!) деган амрига ишора қилиб сўзнинг қадимийлиги ва илоҳийлигини уқтиради. "Сўз келиб аввал-у жаҳон сўнгра, Не жаҳонки кавн ила макон сўнгра", деб ёзади шоир.

Башариятга хос бўлган сўзни эса учтага бўлади. Сўзни инсонларнинг ақл даражасига хослаб сўзланган деган ҳадисга мувофиқ унинг қўйидаги турларини изоҳлаб ўтади: Аъло (энг олий). Авсат (ўрта). Адно (энг паст).

Шоир эътирофича, энг биринчи сўз — малики қадим. Яъни, Аллоҳнинг сўзи бўлса, сўнгра нубувват тили рисолат лисони, яъни пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари, кейин туртинчи халифа Ҳазрат Алининг назму насрга оид сўзлари, сўнгра авлиё ва машойхларнинг сўзларидир. Авсатга эса фасоҳат билан сўз айтувчи шоир ва фузалар мансуб. Авом талқулими ва барча оми одамларнинг сўзлари эса адно рутбасига кирди. Шоирнинг ушбу мулоҳазалари ҳам эътиборлидир.

Сўз билан инсон имон шарофатига эга бўлади. Сўз ўлим ёқасида ҳам нажоткордир. Сўз таъхид қалимаси бўлиб, ким сўнгги нафасда оид сўзлари, сўнгра авлиё ва машойхларнинг сўзларидир. Авсатга эса фасоҳат билан сўз айтувчи шоир ва фузалар мансуб. Авом талқулими ва барча оми одамларнинг сўзлари эса адно рутбасига кирди. Шоирнинг ушбу мулоҳазалари ҳам эътиборлидир.



Ҳажимий Юлдашев олган суратлар.

лик, соддалик, мантқиқийлик ва таъсирлилик ҳақида фикр билдирар экан, унинг қандай айтилиши, яъни қай сўзни қай оҳангда ифодаланишига ҳам диққат қилади.

"Нурнома" рисоласида Парвардигорнинг етти дарё яратгани борасида сўз кетади. Улардан бири илм дарёси, иккинчиси ҳилм дарёси, дея эътироф этилади. Биринчиси англаш бўлса, иккинчиси майин, мулоимлик демакдир. Ҳалимтабиатли киши юмшоқ, киши дилига озор етказмайдиган сўзни топиб айтади. Шунинг учун ҳам, кимдир топиб сўзлайди, кимдир қолиб, дейишади. Бу, албатта, инсоннинг феъл-атвори, сажияси билан боғлиқ. Кайковус "совуқ сўз бир туҳмудур, ундан душманлик ҳосил бўлур", дейиши билан ҳақли. Навоий худди шу фикрларни тўртлик шаклига келтириб, қуйдагича тақдим этади.

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар нечаки агёр дурур, уни ёр айлар. Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар, Юмошги кўнгуларни гирифтор айлар.

Илонинг инидан, пичқонинг қинидан қиқишига ҳам қайси сўзнинг қандай айтилиши сабаб. Машҳур воизларнинг беридан "эл ичра эътибори эқтиром қозонишингизнинг боиси нимадан?", деб сўраганларида, у "қайси маъъизани кимга, қаерда, қачон, қандай қилиб, энг муҳими, қанча айтишни билганлигим ҳамда амал қилганлигим учун бўлса керак", — деб жавоб берган экан.

Навоийнинг нутқ одоби ва ўрни масаласига алоҳида

танга руҳ киргизди. Танида руҳи бор одам сўзга муҳтождир. Сўз барчаннинг кўнглидан қутисидаги жавҳар, оғиз қутисидидаги гавҳардир. Яхши сўз улган одамнинг танига руҳ бағишласа, ёмони ва заҳарлиси тандаги руҳни ўлдиради.

Сўзнинг ўлукнинг танида руҳи пок Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок. Сўз туфайли Халил ўзини ўтга ташлаган, Жаброил ҳам сўз юкига ҳаммон бўлган.

Алишер Навоий сўзга муносабатни тирик жонзотга муносабат тарзида англайди. Танланган ва айтилган сўз нисбона қандай бориши, қандай самара бериши у учун муҳим. Узининг ҳаётини ва ижодий фаолиятида шунга амал қилиб яшаган шеърят султони мулоҳазалари биз учун ибратли.

Жаҳон бўйлаб халқ қалби, онги учун кураш кескин давом этаётган айна пайтда мафқуранинг манбаи бўлган тил, нутқ, сўз ҳодисасига ўринли муносабат зарур. Президентимиз деярли ҳар чиқишида буюк алломаларимиз, хусусан, Ҳазрат Навоий ҳикमतларига мурожаат қилиши бежиз эмас. Миллий ғоямизни, маънавий-маърифий ишларни тарғиб-ташвиқ этишга интиланган ҳар қандай воиз, нотик уни пухта билиши, унга амал қилиши давр талаби. Бугунингиз ва истикболга дахлдор масалаларга ҳам улуғ мутафаккирнинг ижод дурдоналаридан жавоб топиш мумкин.

Зеро, Навоий айтганидек "Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзанининг қалидин сўз бил".

ТАЪЛИМ



ОГОҲЛИК ҚҮНФИРОҒИ ЧАЛИНДИ

Бугун болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолда қўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарқатадиган қуролга айланмоқда. Маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар чегарани бузмасдан, билдирмасдан хонадонимизга, жамиятимизга кириб келяпти. Соат сари эмас, дақиқа сари кириб борапти. Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграши зарур.

Мухриддин СОДИРЖОНОВ, Наманган давлат университети таянч докторанти

Президентимизнинг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказган видеолектор йиғилишида айтган юқоридаги гаплари биз, педагоглар учун, ҳақиқатан ҳам, огоҳлик қўнғироғи бўлди.

Айтиш жоизки, замонавий ўзбек жамиятида таълим-тарбияни ривожлантиришнинг янги даври бошланмоқда. Миллий тарбия тизимини шакллантириш, барча соҳаларда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва ундан фойдаланиш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришга мустаҳкам замин яратилган. XXI асда мамлакатнинг иқтисодиёти, инсонлар ҳаёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ахборот-технологияларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маълумки, фан ва техника жадал сурьатлар билан ривожланаётган даврда илмий билимлар, тушуна ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бориши сезиларли даражада қундалик турмуш тарзига айланмоқда. Бу, бир томондан, фан-техника янги соҳа ва билимларнинг тараққиёти этиши туфайли унинг дифференциаллашуви таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзуси, кишилар онги, дунёқароши ва сиёсий савияси шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Ушбу ҳолат, айниқса, шиддатли кечаётган ҳозирги глобаллашув замонида ҳар қачонгидан кўра кен қўлчол ёймоқда. Бинобарин, қундалик ҳаётнинг бирорта соҳасини оммавий ахборот ва коммуникация воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ёшларимиз ҳам кечагидек эмас, фикрлаши ва дунёқароши бутунлай ўзгача. Шу маънода, бугун ўғил-қизларимиз, талаба-ёшларимизнинг онгу шуурини, тарбиявий эҳтиёжларини, дунёқарошига оид чанқоғини фақат мобил телефон, интернет тармоғидан қондиришининг олдини олиш, улар истагани каби замонавий тарбия контентлари ва маънавий-маърифий майдон яратиш ишларига ҳар бир зиёли масъулдир.

Зеро, ривожланаётган мамлакатларда ахборот миллий ресурс бўлиб, уни сақлаш, ривожлантириш ва ундан оқилона фойдаланиш давлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги тўла-тўқис англаб етилган. Шундай қилиб, ҳозирги босқичда жамиятда ахборот соҳасини ривожланти-

ришга қаратилган ва нафақат телекоммуникация воситалари, шу билан бирга ахборотнинг (ишчиликка қаратилган, томошабоп ва илмий-таълим аниқликларидан хабардор бўлиш ва ҳ.к) турларини яратиш, сақлаш, уларнинг ўстида ишлаш ва тарқатиш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда муносабатларнинг бутун жамламасини қамраб оладиган давлат сиёсати шаклланиб бормоқда.

Узим бугунги кунда "Инсон капитали ривожланиш жараёнларининг этносоциологик таҳлили" бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган. Тадқиқот давомида жамиятимизда инсон капиталидан тўғри фойдаланиш фақат бир томонлама, яъни шахсий манфаат йўлида эмас, балки жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш зарурати, инсон капиталининг том маънодаги инсоний моҳият касб этишида маънавиятнинг, тарбия омилларининг роли нечоғли муҳим эканини англаш кўчайди.

Маълумки, жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон капитали ҳам унга мос бўлади. Инсон капиталининг ривожини ҳам шахсининг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқароши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиғатига бевоқиф бўлиши билан. Инсон ақл-идроқ соҳиб бўлгани боис реал дунёдаги воқеаларни тушунади, илму тафаккури, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради. Инсон капиталининг юксалишига уни ўраб турган ижтимоий муҳитда рўй бераётган барча воқеаларнинг таъсири кучлидир. Замонавий жамият ривожланишининг асосий омилли — таълим, соғлиқни сақлаш, профессионал ижодкорлик ва ахборот технологияларнинг илмий ҳамда инновация тараққиёти этиши билан узога келади.

Наманган давлат университетига ўқув ва маънавий-маърифий ишларни янги ўқув йилидан бошлаб худди шу таълим асосида фаолият олиб бориши ташкил этилган. Олий ўқув юртимиз профессор-ўқитувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли тадбирлар, танловларда, конференцияларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Шунингдек, вилоятдаги кимв ва биология фанларига ихтисослашган ўқув юртраи ҳамда олис ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактаблари оталиққа олиниб, бу мактабларда университет кафедралари филиаллари самарали фаолият юритмоқда. Айна саъй-ҳаракатлар ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, қобилият ва истеъдодларини рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

Биз, ёш педагог ўқитувчилар устозлар кўмагида талаба-ёшларимизнинг дунёқароши кенг, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли мутахассислар бўлиб етишиши учун бор кучимизни аямийимиз.